

# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ШИФОКОРЛАР!

QONUNCHILIK VA HUQUQ-TARTIBOT UCHUN

# POSTDA

GAZETA 1930-YIL 12-MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN • 2009-yil 7-noyabr, shanba • №45(3835)



## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**3 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.**

«Архив иши тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Н.Алимов тақдим этди. Таъкидладики, архив ҳужжатлари халқимизнинг маданий меросида салмоқли ўрин тутади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 120 та архив муассасаси, қарийб 7600 та идоравий архив мавжуд бўлиб, уларда юз миллиондан зиёд ҳужжат сақланмоқда. 1999 йилдан буён амалда бўлган «Архивлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу соҳада жиддий ўзгаришлар юз берганлиги муносабати билан такомиллаштиришни талаб қилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Бош архив бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигига айлантирилди. Архив ишини ва иш юритишни ривожлантириш дастури, шунингдек, Архив ишини ва иш юритишни ривожлантиришнинг мақсадли йўналишлари қабул қилинди. Давлат архивларини реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан модернизациялаш чора-тадбирлари белгиланди. Шундай қилиб, архив иши тизимида сўнгги йилларда жиддий ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда ва улар амалдаги қонун ҳужжатларида ўз аксини топиши керак.

Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этдилар. Таъкидландики, қонун лойиҳаси Ўзбекистонда архив ишини янада ривожлантиришнинг ҳозирги кун талабларига ва истиқболларига тўлиқ мос келади. Депутатларнинг таклифларига кўра қонун лойиҳасининг айрим моддаларига мазкур ҳужжатни такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, айрим нормаларнинг таърифи аниқлаштирилди. Муҳокама чоғида тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади.

Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Х.Маматов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди.

*(Давоми 2-бетда).*

***Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.***

**Ислом КАРИМОВ**

# МАҚСАДИМИЗ – ХОДИМЛАР САЛОМАТЛИГИ

**Эртага юртимизда саломатлик посбонлари бўлмиш тиббиёт ходимларининг касб байрами тантанали нишонланади. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, мазкур байрам арафасида республика Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали ташкил этилганига ҳам 55 йил тўлади. Шу муносабат билан ИИВ Тиббиёт бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, полковник Нарзулла ТЎХТАЕВ қуйидағиларни гапириб берди:**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимидаги тиббиёт муассасалари зиммасига ички ишлар идораларига жисмонан ва руҳан соғлом кадрларни танлаш, уларнинг соғлиқларини муҳофаза қилиш ва тиклаш каби масъулиятли вазифалар юклатилган. Тиббиёт хизмати ходимлари ушбу масъулиятли вазифаларни сидқидилдан бажариб келмоқдалар.



Суратда: *ИИВ Марказий поликлиникаси шифокори Светлана Фирсова ва ҳамшира Эльмира Ўрмонова.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

Муҳтарам Юртбошимиз «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» номли маърузасида «Одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, аҳоли соғлиғини сақлаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Тиббиёт соҳасини ислоҳ қилиш, аҳоли соғлиғини ҳимоялаш масаласини бугунги замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида мамлакатимизда давлат миқёсида махсус дастур амалга оширилаётганидан халқимиз, жамоатчилигимиз албатта хабардор», – деган эдилар.

Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, шахсий таркибнинг саломатлигини тиклаш учун замонавий тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, соғлом кадрларни танлаш борасидаги ишларнинг сифатини янада яхшилаш мақсадида вазирлик тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларининг штат бирликлари қайта кўриб чиқилди.

*(Давоми 4-бетда).*

МИННАТДОРЛИК

## ҒАМХЎРЛИК УЧУН РАҲМАТ!

*2005 йилнинг 13 май куни ўғлим – катта сержант Ҳалимжон Жалилов хизмат бурчини ўташ чоғида ҳалок бўлган. Ўғлимнинг номини абадийлаштириш мақсадида у ўқиган Булоқбоши тумани Ширмонбулоқ қишлоғида жойлашган 30-мактабнинг синфларидан бирига унинг номи берилган.*

*Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан Андижон вилояти ИИБда ўтказилган байрам тадбирига мен ҳам таклиф қилиндим. Хизматни ўташ чоғида ҳалок бўлганлар хотирасига қўйилган ёдгорликни зиёрат қилиб бўлгач, вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Б. Сиддиқовдан ўғлимнинг номи билан аталган синф ўқувчилари билан вилоят марказига экскурсия уюштириб беришини илтимос қилдим. Эртаси куни уйим олдига автобус келиб тўхтади. Унда шу синф ўқувчилари, синф раҳбари Ё. Қораева ва мактаб директори М. Бердиқулова бор эди. Ўқувчилар Андижон шаҳридаги истироҳат боғи, кичик ҳайвонот боғида бўлиб, олам-олам таассуротлар билан қайтишди. Уларнинг қувончини кўриб, ўзимни бахтиёр сездим.*

*Шахсан ўзим, шунингдек, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари номидан вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Б. Сиддиқовга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик изҳор этиб, узоқ умр ва соғлиқ тилаб қоламан.*

**Дилбар ЖАЛИЛОВА,**
**меҳнат фахрийси.**

АМАЛИЙ СЕМИНАР

## МУТАХАССИСЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Навоий вилоятида республика ИИВ томонидан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган тизимда соғлиқни сақлашнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят ИИБ тиббиёт поликлиникаси, жазони ижро этиш муассасалари фтизиатрлари ҳамда умумий амалиёт шифокорлари иштирок этди.

Тадбирда соҳага доир муаммолар атрофлича муҳокама қилинди ҳамда иштирокчилар замонавий даволаш дастури ва муолажада қўлланиладиган янги технологиялардан фойдаланиш борасидаги билимларини янада мустаҳкамлаб олишди.

**Абдуҳошим ЗИЁДИНОВ,**
**катта сержант.**

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

# МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

**Маълумки, мамлакатимизда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиянинг ҳар бири ўзининг дастурий мақсад ва вазифалари, фаоллари ва тарафдорларига, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўз фракцияларига эгадирлар.**

Шу билан бир қаторда, мамлакатни модернизациялаш жараёнида сиёсий партиялар фаолиятини янада такомиллаштириш, тартибга солишга оид қонун ҳужжатларини тизимлаштириш объектив зарурат бўлиб ҳисобланади. Ушбу заруриятни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан «Сиёсий партиялар мамлакатни модернизациялаш жараёнида» номли китоб амалий қўлланма шаклида ўзбек ва рус тилларида тайёрланиб чоп этилди.

Ушбу қўлланманинг ўзбекча нашри тузилиши жиҳатидан кириш ва беш бўлимдан иборат. Амалий қўлланманинг биринчи бўлими «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларидаги сиёсий партиялар фаолиятига оид ғоялар» деб номланиб, унда Президентимизнинг 1992 йил 2 ва 3 июлдаги XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида сўзланган маърузаси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида айтилган фикрлари, ғоя ва қарашлари ўрин олган.



Қўлланманинг II бўлимида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг шаклланиши ва ривожланишига оид маълумотлар ўз аксини топган.

III бўлим «Мамлакатни модернизациялаш жараёнида сиёсий партиялар фаолиятининг асосий йўналишлари» деб номланиб, унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни ва миллий сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилаётган йўналишлар акс этган таҳлилий мақолалар ўз ифодасини топган. Ушбу таҳлилий мақолалар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар фаолияти ҳақида атрофлича маълумотларга эга бўлишга ёрдам беради.

Амалий қўлланманинг IV бўлимидан сиёсий партиялар фаолиятини тартибга солишга оид қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партияларнинг сайловларда иштирокига оид қонун ҳужжатларидан кўчирмалар ўрин олган. V бўлимда эса сиёсий партиялар фаолиятига оид атамаларнинг изоҳли луғати берилган бўлиб, улар сиёсий партиялар фаолиятига оид қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этишда қатор қулайликлар яратади.

Бундан ташқари, қўлланманинг рус тилидаги матнида юқорида таъкидлаб ўтилган бўлимлар билан бир қаторда, ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларининг қиёсий таҳлили ҳамда хорижий давлатларда сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тажрибасига доир маълумотлар ўз аксини топган.

2009 йилнинг 27 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари сайлови арафасида тайёрланган мазкур амалий қўлланма сиёсий партиялар фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида муҳим аҳамиятга эга. У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, сиёсий партиялар аъзолари, сиёсатшунослар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва кенг жамоатчилик учун фойдали қўлланма бўлади, деган умиддамиз.

**Нуриддин НАРМАТОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлар номзоди, доцент.

ЖАҲОН АЙВОНИДА

### ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Брюсселда Европа Иттифоқининг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Унда бошқа муҳим масалалар қатори сайёрамизда иқлим ўзгаришларининг олдини олиш юзасидан бир тўхтамга келиш масаласи муҳокама қилинди. Жорий йил декабрь ойида Копенгагенда БМТ шафелигида иқлимни муҳофаза қилиш юзасидан бўлиб ўтадиган халқаро конференция олдидан экология соҳаси бўйича ягона ҳужжат меъёрлари кўриб чиқилди ва қабул қилинди.

### МУСОДАРА ҚИЛИНДИ

Эквадор ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари бир тоннадан ортиқ гиёҳвандлик моддаларини мусодара қилишди, дейилади «ВВС» ахборотида. Маълум бўлишича, жиноятчилар ушбу «заҳри қотил»ни мевалар орасига яшириб, Испания ва Италияга жўнатишни режалаштиришган. Мусодара қилинган юкнинг қиймати 40 миллион АҚШ долларига тенглиги айтилмоқда.

### НАРХИ ОШМОҚДА

Жаҳон бозорида нефть нархи яна ошди. Жумладан, Нью-Йоркдаги «NYMEX» хом ашё биржасида ўтказилган сўнгги савдолар чоғида «қора олтин»нинг бир баррели 80,40 АҚШ долларига етган. Бу жорий йилда кузатилган энг юқори кўрсаткичдир.

### ЖАФОКАШ ХАЛҚҚА КЎМАК

Маълумки, БМТ вакилларининг Қобулдаги турар жойига «Толибон» жангарилари томонидан ҳужум қилиниши оқибатида беш нафар ходим қурбон бўлган эди. Шу боисдан ҳам хавфсизлик чоралари кучайтирилмоқда. Афғонистонда ушбу ташкилот учун жами 1300 нафар хорижлик ишлайди. Улардан 600 нафари вақтинча мамлакат ичкарисига кўчирилади. Хавфсизлик чоралари қўлланилгандан кейин барча ходимлар ўз иш жойларига қайтади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ушбу мамлакатдаги вазият ҳақида сўз юритиб, БМТ афғон халқига кўмак бериб, унинг тараққиётини таъминлашда давом этишини таъкидлаган.

### ВАКЦИНА САМАРА БЕРИШИ КУТИЛАЯПТИ

Сайёрамиз бўйлаб H1N1, яъни «чўчқа гриппи» яна авжига чиқмоқда. АҚШ, Украина, Россия, Буюк Британия ва Францияда унга қарши эмлаш ишлари бошланган бўлса-да, ушбу давлатлардаги фармацевтика саноати етарли даражада вакцина ишлаб чиқаришга улгурмаяпти.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) бош директори Маргарет Чоннинг айтишича, «чўчқа гриппи» шу кунгача дунё миқёсида 4700 дан зиёд кишини ҳаётдан олиб кетган. Бу борада айниқса, Украинада аҳвол кескинлигича қолмоқда. Ҳозир ушбу мамлакатда барча оммавий тадбирлар бекор қилиниб, 10 дан ортиқ вилоятда карантин ҳолати эълон қилинган.

**Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.**

ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТИ

# МАҲАЛЛА ПАСПОРТИ – ИНТИЗОМ АСОСИ

***Юрт тинчлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда профилактика инспекторларининг алоҳида ўрни бор. Шайхонтоҳур тумани Маннон Уйғур маҳалласидаги 350-милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Холмўмин Исроиловнинг бу борадаги саъй-ҳаракати ибрат бўларли даражада.***

... Ўшанда у шу ерда энди иш бошлаган эди. Маҳаллалардаги баъзи ноқонуний ҳаракатлар эътиборини тортмай қолмади: бепарволик туфайли турли шаҳарлардан келган айрим кимсалар бу ердаги ёшларга ўз таъсирини ўтказаётганди. Шу сабабли йиғин раиси Абдусанат Эшмуҳамедов ва фаоллар ҳамкорлигида зарур тадбирлар ишлаб чиқди. Унда биринчи галда маҳалла паспортини тайёрлаш, ёшларни спорт турларига жалб этиш ва ҳудуддаги ўқув муассасаларида ҳуқуқий тарғиботни жонлантиришга эътибор кучайтирилди.

Мавжуд 18 та кўчанинг ҳар қайсисида тажрибали кишилар, ташаббускор ёшлар ва обрўли нафақадорлар билан суҳбатлар ўтказилди. Ана шу асосда 700 дан ортиқ хонадоннинг паспорти ишлаб чиқилди. Бунинг афзаллиги шундаки, турли ноқонуний ҳаракатларга чек қўйиш билан бирга, қайси хонадонда ким яшаётгани, у қаерда, қандай иш билан бандлигини билиб олиш имконини бераяпти. Бу борадаги ишлар қандай кетаётганини аниқлаш мақсадида милиция таянч пунктида ҳафтанинг бир куни фаолларни тўплаб, таҳлилар ўтказиб бориш анъанага айланган.

Маҳалла ва хонадон паспортининг яна бир афзаллиги – тартиб-интизомни рисоладагидек шакллантириш билан бирга кам таъминланган, ҳеч кими йўқ ва ўзгалар парваришига муҳтож кишилар қандай яшаётганидан хабардор бўлиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш, зарур ёрдамлар кўрсатиш имкониятини беради.

Профилактика инспекторининг саъй-ҳаракати билан иккита ўрта мактабда таълим олаётган ўқувчиларнинг дарсдан бўш вақти мазмунли ўтиши таъминланди. Бу ишда маҳалладаги тадбиркор ва ишбилармонлар уни қўллаб-қувватлаб туришибди. Уларнинг мадади туфайли ҳар иккита кўчада мўъжаз спорт майдончалари қуриб берилди. Эндиликда бу жойлар нафақат болажонлар, балки катталарнинг ҳам севимли масканига айланган.

Олти йилдирки, Маннон Уйғур номли маҳаллада дилхиралик ва бошқа кўнгилсизликлар батамом бартараф топган. Айни пайтда бу ердаги илғор тажрибалар чуқур ўрганилиб, қўшни масканларда ҳам жорий этилмоқда.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.**
*Тошкент шаҳри.*

ЭЪЗОЗ

# НАФАҚАГА КУЗАТИЛДИ



Республика ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальонида узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилиб, ўзининг билим ва кучқувватини юрт тинчлиги, осойишталигига бағишлаган ходимларни тантанали равишда нафақага кузатиш аньанага айланган. Батальонда ўтказилган навбатдаги Маърифат дарси ана шундай хайрли маросимга уланиб кетди. Унда батальоннинг 2-отряд, 2-гуруҳининг милиционери, катта сержант Отахўжа Умаровга ҳурмат, эҳтиром кўрсатилди. Тадбирда сўзга чиққан батальон командири, подполковник Абдураҳим Халилов О. Умаровнинг хизматига алоҳида тўхталиб, бу фидойи ходимнинг ҳаёт йўли ёшлар учун ўрнак бўлиб қолишини таъкидлади.

Маросимда О. Умаровга миллий урф-одатларга мувофиқ тўн, дўппи кийгизилиб, эсдалик совғалари топширилди.

**Фурқат ХОЛИҚУЛОВ.**

**Суратда:** *О. Умаров.*
**Адҳам ҚЎЗИБОЕВ олган сурат.**

ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАРЛАРИ

### ТАЛОНЧИ ЙЎЛОВЧИ

Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманида яшовчи О. Лола «Нексия» русумли автомашинага йўловчи сифатида ўтириб, манзилга етиб келди. Аммо шу пайт орқа ўриндиқда маст ҳолда ўтирган бошқа йўловчи – Д. Олим унинг юзига уриб, бўйнидаги занжирни тортиб олди. Мазкур воқеадан хабар топган ИИВ ходимлари зудлик билан ишга киришиб, талончини қўлга олишди.

### ТЕЛЕФОН ШАЙДОСИ УШЛАНДИ

Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида яшовчи Н. Ольга уяли телефонида гаплашиб кетаётганда номаълум шахс телефонни қўлидан тортиб олиб, қочиб кетди. Ушбу ҳолат юзасидан қидирув ишлари бошлаб юборилди.

Кўрилган чоралар натижасида талончи тезда қўлга олинди. У Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида яшовчи Р. Зариф эканлиги аниқланди.

### ФИРИБГАР АЁЛ

Б. Шокир маҳаллада тилла тақинчоқлар сотиб юрган аёлдан қизларининг тўйига атаб, 1 миллион сўмга 2 дона зирак сотиб олди. Аммо кейинроқ улар қалбаки эканлиги маълум бўлди. Б. Шокир ушбу ҳолат ҳақида Наманган вилояти Поп тумани ИИБ ходимларига хабар қилди. Кўрилган чоралар натижасида К. Малика ушбу жиноятни содир этганликда гумонланиб ушланди.

### БОҒЧАДАГИ ЎҒИРЛИК

Тошкент шаҳрида жойлашган болалар боғчасидан бирига кимдир эшик қулфини бузиш йўли билан кириб, у ердан компьютер жамланмаси, факс аппарати, телевизор ва «DVD» плеерини ўғирлаб кетди. Ички ишлар ходимлари томонидан кўрилган чора-тадбирлар бесамар кетмади. Ушбу жиноятни Ж. Даврон, С. Антон ва К. Бахтиёр содир этганлиги аниқланиб, қўлга олинди. Улар қилмишларига яраша жавоб беришади.

**Ёқубжон БОБОЖОНОВ,**
**лейтенант.**

# МАҚСАДИМИЗ – ХОДИМЛАР САЛОМАТЛИГИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Давр талабларидан келиб чиқиб қўшимча штатлар киритилди. Хусусан, вазирлигимиз Марказий госпиталида 70 ўринли Реабилитация маркази очилди. Самарқанддаги «Зарафшон» санаторийсида 28 ўринли янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Фарғона вилояти ИИБ поликлиникасида физиотерапия бўлинмаси, Наманган вилояти ИИБ поликлиникасида эса кундузги даволаш бўлими ишга туширилди. Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ИИБлари тиббиёт бўлимлари қошида психофизиологик лабораториялар фаолият кўрсатмоқда. Бундай лабораторияларни эндиликда Қашқадарё ва Навоий вилоятлари ИИБлари тиббиёт бўлимларида ҳам очиш кўзда тутилган.

Осойишталик посбонларининг соғлиғини тиклаши учун масъул бўлган шифокорларимиз ҳам нафақат касалликларни даволашга, балки уларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Яқинда 40 нафар мутахассис «Одам иммунитет танқислиги синдроми профилактикаси», 50 нафардан зиёд шифокорларимиз эса бошқа турли мутахассисликлар бўйича Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида малака оширдилар.

Шунингдек, ИИВ Тиббиёт хизмати ходимлари томонидан «Миллий маънавиятимизни юксалтириш, халқимиз турмуш тарзи ва менталитетимизга ёт бўлган ҳолатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури» ижросини таъминлаш мақсадида тизимдаги барча таълим муассасалари ва ички ишлар идораларида ушбу иллатларнинг олдини олишга қаратилган ўқув машғулотлари олиб борилмоқда, суҳбат ва семинарлар ўтказилмоқда.

Бугунги кунда ички ишлар идоралари ходимларининг саломатликларини тиклаш ва самарали ҳордиқ чиқаришлари учун «Зарафшон» ва «Ўзбекистон» каби нуфузли санаторийларимиз фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ходимларимизга республикамизнинг тоғли ҳудудларида жойлашган бир қатор жаннатмакон санаторийларда дам олишлари учун ҳам имтиёзли йўлланмалар берилмоқда.

Ушбу қутлуғ кунда ўзининг замонавий даволаш усуллари, диагностик қуввати, беморларга аниқ ташхис қўйиш салоҳияти ҳамда етук малакали мутахассислари билан республикамиздаги кўзга кўринган тиббиёт муассасалари орасида ўз нуфузига эга бўлган республика Ички ишлар вазирлиги Марказий госпиталининг бугунги қиёфаси ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш жоиз деб ўйлайман.

Мустақиллик йилларида республикамиз ҳукумати ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти томонидан Марказий госпитални қайтадан қуриш ва кенгайтириш ишларига катта эътибор қаратилди. Мавжуд бинолар қисқа муддатда тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замон талаблари даражасидаги янги даволаш иншоотлари барпо этилди. Замонавий даволаш ва ташхис қўйиш ускуналари, яъни ангиограф ва магнит-резонансли томограф асбоблари ўрнатилиб, беморларга тез ва аниқ ташхис қўйилишига эришилаяпти. Натижада беморларни сифатли даволаш ва қисқа муддатда уларнинг соғлиқларини тиклаш имконияти яратилди.

Республика Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа тегишли идоралар ҳамкорлигида шифокор ходимларнинг иш шароитини яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, барча тиббиёт масканларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрмоқда.

Бу эса элу юрт осойишталиги посбони бўлмиш ички ишлар идоралари ходимларининг саломатлигини сақлаш, уларга ғамхўрлик қилиш, турмуш фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ**
**ёзиб олди.**

# ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

**Жиззах вилояти ИИБ тиббиёт бўлими поликлиникасининг шифокорлар жамоаси вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.**

– Ҳозирги вақтда поликлиникамизда ходимларга, уларнинг оила аъзоларига, фахрийларимизга тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар ҳамда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари мавжуд, – дейди поликлиника бошлиғи, майор Икром Суяров. – Жамоамизда кўплаб малакали врач ва ҳамширалар меҳнат қилишади. Ҳар бир ходимнинг соғлиғи тўғрисида қайғуриш, бизга мурожаат қилганларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш асосий вазифамиз ҳисобланади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда поликлиникада рентген, флюорография, стоматологик ускуналар, баклаборатория, УЗИ, ЭКГ аппаратлари мавжуд. Ўн ўринли кундузги стационар даволаш бўлимида ходимларга тиббий муолажа қилиш имконияти бор.

Шифокорлар фахрийларга тиббий хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Улар мунтазам равишда ногирон фахрийларнинг ҳолидан хабар олиб туришибди. Соғлиқларини тиклаб олишлари учун жорий йилда сиҳатгоҳларга 54 та бепул йўлланмалар берилди. Шунингдек, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ҳам санаторийларда дам олиб келиш имкониятларига эга бўлишди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 4 миллион сўмликдан ортиқ дори-дармонлар беморларга ишлатилди. Албатта, буларнинг барчаси соҳа ходимларининг соғлиқларини таъминлашга бўлган эътиборнинг намунасидир.

**Баҳодир БЕГИМҚУЛОВ,**
**майор.**

*Жиззах вилояти.*



**Суратда:** ***вилоят ИИБ поликлиникасининг терапевт-шифокори Қодир Маматқулов (ўртада), психиатр-шифокор Асқар Мелибоев, бош ҳамшира Эльгиза Юсупова бемор саломатлиги хусусида суҳбатлашаяптилар.***

**Муаллиф олган сурат.**

# ШАРАФЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

***Бу даргоҳ ҳамиша одамлар билан гавжум. Кимдир шифо топиш илинжида бу ерга ошиқса, кимдир яқинининг ҳолидан хабар олиш ҳаракатида. Хушмуомала, меҳрибон, энг муҳими, ўз касбининг устаси саналмиш қўли енгил шифокорлар доимо хизматга шай. Бири оғриқдан азоб чекаётган беморни ширин сўзи билан дардига малҳам бўлмоқ истаса, бошқаси орасталигу тиббий анжомларнинг бекаму кўст ишлаши ҳаракатида.***

Наманган вилояти ИИБ тиббиёт бўлимида ҳамиша кун шундай бошланади. Мазкур сиҳатгоҳ шифокорларининг зиммасига вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, уларнинг оила аъзолари, шу билан бирга, меҳнат фахрийлари саломатлигини тиклашдек шарафли ва масъулиятли вазифа юкланган.

– Осмонимиз мусаффолиги, тун-кунларимиз осудалиги, энг муҳими, хотиржам яшашимиз учун хизматга шай турган ички ишлар идоралари ходимлари ҳамиша соғ ва саломат бўлмоғи жуда муҳим, – дейди бўлим бошлиғи, катта лейтенант Ҳусан Мирсаидов. – Бунинг учун барча замонавий тиббиёт анжомлари, малакали мутахассислар улар хизматида.

Дарҳақиқат, сўнгги икки-уч йил ичида тиббиёт бўлимида талай қўшимча қулайликлар яратилиб, бинолар тўла таъмирдан чиқарилди. Ошқозон-ичак фаолиятини мукаммал текширувдан ўтказадиган ФЭГДС ҳамда замонавий УЗИ аппаратлари, физиотерапия муолажаларида қўллаш мумкин бўлган энг замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Доимо ўз устида ишлаб, малакасини ошириб келаётган шифокорлар тиббиётнинг янги усулларидан фойдаланишни йўлга қўйиб, муваффақиятли натижаларга эришмоқдалар.

– Амалиётдан келиб чиқиб, кундузи даволанишга эҳтиёж борлигини ҳис этган ҳолда 12 ўринли кундузги стационар ташкил этдик, – изоҳ бериб ўтди Ҳусан Мирсаидов. – Бу бўлимдагилар ҳам барча муолажа турларидан фойдаланадилар. Шу билан бирга, беморларимиз барча муолажаларни бир жойда амалга ошириш учун мўлжалланган комплекс шифохона хизматидан ҳам мамнун.

Бўлимда айни дамда 20 нафар малакали шифокор ва 16 нафар тиббиёт ҳамшираси хизмат қилмоқда. Функционалист-терапевт Салима Абдураҳмонова, стоматолог Замира Содиқова беморларга шифо улашиб, уларнинг яна хизмат вазифасига қайтишида жонбозлик кўрсатмоқда. Малика Мансурова, Машҳура Рустамова, Замира Жўраева сингари ҳамширалар улар билан ҳамнафас, ўз вазифаларини сидқидилдан адо этиб келишмоқда.

**Фурқат МАМАЖОНОВ,**
**майор.**

*Наманган вилояти.*

# ЭЛ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛИБ

Эшик очилиб, қўлида бир даста гул билан кекса бир киши кириб келди.

– Бу сенга қизим, – деди ҳайрон бўлиб қараб турган шифокорга узатиб.

– Нега мени хижолат қиласиз, отахон, – деди у ўнғайсизланиб.

– Менинг ҳалоскоримсан. Сенинг муолажангдан кейин соғайиб, гўё яшаргандай бўлдим. Умрингдан барака топ, қизим! – деди қария дуога қўл очиб.

Бундай миннатдорлик сўзларни шифокор Ҳалима Бобоева ҳар куни кўп маротаба эшитади. Ўзининг хизматидан, инсонларга саломатлик бахш этаётганидан ғурурланади.

Ҳалима асли шифокор оиласидан. Отаси Шароф Бобоев Самарқанд Тиббиёт институтининг профессори, бутун ҳаётини тиб илмига бағишлаган таниқли шифокор эди. Шароф аканинг олдига беморлар гоҳида кечқурун, ярим тунда ҳам келишарди. Ҳеч кимни ноумид қайтармас, гарчи куни билан ишда бўлса-да, келганларга ёрдам берарди. Шу боис ҳам Шароф акани самарқандликлар илиқ сўзлар билан хотирлашади. Шароф аканинг ажойиб фазилатлари қизига ўтган. Ёшлигидан шифокор бўлишни орзу қилган Ҳалима беморни умидсиз бўлмасликка ундайди.

1991 йилдан бери Самарқанд вилояти ИИБ поликлиникасида фаолият кўрсатаётган Ҳалима Бобоеванинг асосий мижозлари Иккинчи жаҳон уруши ва ички ишлар идоралари фахрийлари, ногиронлар.

– Кексаларнинг кўнгли болаларникидай нозик бўлиб қолади, – дейди Ҳ. Бобоева. – Шу боис уларга жуда эътиборли ва ширинсўз бўлиш лозим. Отам доим беморларга дори-дармон наф бермаса, уларнинг кўнглини кўтариб, тузалишига умид уйғотсанг ҳам шифо бўлади, дердилар.

Ҳалима Бобоева тажрибали шифокор. Мурожаат қилиб келган ҳар бир беморни синчиклаб текширади, тиббий картасини ўрганади, кейин муолажа бошлайди. Кўп йиллардан бери шу поликлиникада ишлаётгани учун кўпчилик ички ишлар ходимларининг саломатлик тарихини яхши билади.

– Ҳалима бой тажрибага эга шифокор, – дейди пастдарғомлик Иккинчи жаҳон уруши ва ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги майор Яраш ака Нарулев. – Қандли диабет касалим бор. Ҳалиманинг доимий назорати ва тавсиялари билан иш тутганим боис саломатлигим яхши, ўзимни бардам ҳис этяпман. Жуда қўли енгил шифокор.

Шифокор Ҳ. Бобоева ҳар куни 35-40 нафар беморни қабул қилади. Ҳар бири бирининг кўнглига йўл топиб, уларнинг саломатлигини тиклаш учун бор илм ва тажрибасини ишга солади. Бундан ташқари, режа асосида вилоятнинг шаҳар ва туманларига бориб ходимларни профилактик кўрикдан ўтказади. Уни ички ишлар ходимлари яхши билишади, жуда ҳурмат қилишади. Кўпларнинг раҳматини, кексаларнинг дуосини олаётган Ҳалима Бобоева ҳамкасблари орасида ҳам муносиб ҳурмат-эътиборга эга.

**Дилбар САЛОҲИДДИНОВА,**
**ўз мухбиримиз.**

*Самарқанд вилояти.*



ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# ҲАЁТ МАЗМУНИ

**Ҳарбий хизматни ҳаётининг мазмунига айлантирган катта сержант Маннон Бадалбоев вақти-вақти билан ўтган умрининг хизмат билан боғлиқ саҳифаларини тез-тез сарҳисоб қилиб туришга одатланган. Ўтган ҳар бир кун, ҳафта, ой, йилни, таҳлил қилар экан, ундан мазмун, маъно топишга, қўлга киритган ютуқларини янада мустаҳкамлашга, камчиликларни эса йўқотишга ҳаракат қилади.**



Маннон Қуролли Кучлар сафида икки йиллик муддатли хизматни ўтаб юрган чоғидаёқ ҳарбий бўлишни дилига тугиб қўйганди. Ана шу орзу уни 1992 йилда ИИВ Қоровул қўшинларига етаклаб келди. Унинг нияти ижобат бўлиб, хизматга қабул қилинди.

Маннон Бадалбоев сергак бўлишни, масъулият билан хизмат қилишни доимий равишда устозларидан ўрганиб борди. Бу сифати эса йиллар ўтган сайин унга ютуқ, обрў-эътибор олиб кела бошлади. Тарбиявий ишларни юқори савияда ташкиллаштирганлиги натижасида назоратчилар взводи ўтган йил якунлари натижасига кўра юқори ўринлардан бирини эгаллади.

Катта сержант Маннон Бадалбоевнинг хизмат бошлаганига 20 йилга яқинлашиб қолган бўлсада, у ўз билимини ошириб бормоқда. Ҳарбий қисмда ташкил этилган ўқув ва тактик машғулотларда фаол иштирок этиб, устозларидан касб сирларини ўрганиб келмоқда.

Шу сабабли у шахсий таркиб орасида ҳам, командирлар орасида ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Унинг устозлари катта сержантлар Темур Қурбонов ва Бахтиёр Бобомуродовлар ўз шогирди эришган ютуқлардан доимо хурсанд.

Маннон ўз қўл остидаги шахсий таркиб ва шогирдлар билан доимий равишда режали иш олиб боришни одат қилган. Ҳар бир топшириқни ўз вақтида, сифатли бажариш унинг хизмат шиорига айланган, десак янглишмаймиз.

У ўз шогирдлари сержантлар Бурхон Пирматов, Шароф Мирзаев, Зафар Самадов, Нуриддин Пайзиев ва бошқалардан виждонан хизмат қилиш, мавжуд қоидаларга қатъий риоя этишни талаб қилади. Шунинг учун бўлса керак, Маннон командирлик қилаётган назоратчилар бўлинмаси ҳарбий қисмда доимо илғорлар сафидан ўрин олиб келмоқда.

Касбини севган, ҳарбий хизматни ҳаётининг мазмунига айлантирган катта сержант Маннон Бадалбоев Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланди.

**Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ,**
**истеъфодаги подполковник.**

# ШИРИН СУХАН ШИФОКОР

***Инсон мўъжиза бўлса, унинг саломатлиги бойликдир. Асаб ана шу бойликнинг асосини ташкил этади. Сабаби, организмдаги деярли барча касалликлар тинимсиз асабийлашиш оқибатида келиб чиқади. Асаб толалари эса тикланмайди. Шуҳрат Ёқубжонов Тиббиёт академиясида таҳсил олаётган вақтларидаёқ буни тўлиқ англаб етди ва беморларнинг дардига малҳам бўлишни асосий мақсади деб билди.***

Талабалик йилларида дарслардан бўш вақтларида устозлари билан биргаликда муолажаларда қатнашгани, илм олиш йўлидаги изланишлари ўз самарасини берди. Таҳсилни тугатгач, ўқитувчилари уни ўша даргоҳнинг анатомия кафедрасига ишга таклиф қилишди. Бироз вақт бу ерда ишлаб юрган Шуҳрат акани барибир амалиёт ўзига чорлади. У беморлар билан суҳбатлашишни, уларни қийнаётган муаммони бирга бартараф этишни жуда истарди. Шу сабаб аввал темирйўлчилар касалхонасида, сўнг Марказий ҳарбий госпиталда невропатолог-шифокор бўлиб ишлади. Муомаласи, касбига садоқати билан жамоа орасида доимо кимгадир севимли устоз, кимгадир яхши ҳамкасб, кимгадир муносиб шогирд бўлди.



– Невропатологларнинг иши қизиқ, шу билан бирга, мураккаб ҳамдир, – дейди ИИВ Марказий госпитали Неврология бўлинмаси бошлиғи, подполковник Шуҳрат Ёқубжонов. – Асаб туфайли инсон турли хасталикларни орттириб олади. Баъзан умуман юра олмай ёки танасининг бирор аъзосини ҳаракатлантира олмай қолган беморлар келади. Уларнинг бу ҳолга келишига мунтазам асабийлашиш оқибатида организмнинг ишлаш функцияси бузилиши сабаб бўлади. Асаб шундай нозик нарса-ки, агар уни эҳтиёт қилмаса, асрамаса охири ёмон бўлади. Ана шундай пайтда беморнинг қандай шароитда ишлагани, жисмоний, руҳий зўриқиши аниқланади. Шунга қараб, муолажа курсини белгилаймиз.

– Шуҳрат акани салкам ўн йилдан бери танийман, – дейди невропатолог-шифокор Гулчеҳра Шодиметова. – Шифокор сифатида ишига талабчан, беморларга меҳрибон, билимли, яхши ҳамкасб. Ҳар бир беморни ўзига яқин олиб гаплашади, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилади.

Шуҳрат аканинг ҳаётда бир шиори бор: «Ўзини ҳурмат қиладиган инсон бир соҳани мукаммал эгаллашга астойдил бел боғлайди. Ўзини ҳурмат қилган шифокор эса бир дақиқа ҳам изланишдан тўхтамайди». Асаб касалликлари турли-туман. Барчаси бир-биридан фарқли равишда рўй беради ва даволанади. Шунинг учун бўлса керак, деярли ҳар ойда турли семинарлар, анжуманлар ўтказилади. Шуҳрат ака уларнинг ҳар бирида иштирок этади, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашади. Ўша семинарда эшитган янгиликларини таҳлил қилади, лозим топса амалиётда қўллайди.

– 2004 йилда хизмат вақтида жароҳат олдим. Мия чайқалиши туфайли жуда асабий, жиззаки бўлиб қолдим. Мана беш йил бўлибди-ки, ҳар олти ойда даволанаман ва ҳар гал ўзимни жуда яхши ҳис қиламан. Шуҳрат Ёқубжонов нафақат яхши шифокор, балки жуда яхши инсон ҳамдир. Унинг одамгарчилиги, самимий мулоқоти кўнгилга ором беради, – дейди истеъфодаги подполковник Мирфозил Мирмусаев.

Инсонлар корига яраб, дардига дармон бўлиб яшашнинг ўзи бир бахт. Бироқ бунга эришишнинг ўзи бўлмайди. Унга етишмоқ учун элнинг дуосини олиш, ўз хизматлари билан кўнглига йўл топиш зарур. Бундай бахтга эришган инсонлар хизмати доимо ардоқли бўлади. Шу сабаб, Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан ИИВ Марказий госпитали неврология бўлинмаси бошлиғи, подполковник Шуҳрат Ёқубжонов республика Ички ишлар вазирининг буйруғига асосан «A'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишони билан тақдирланди.

**Гули Нигор АВАЗОВА.**

**Суратда:** ***подполковник Ш. Ёқубжонов.***

**А. КЕНЖАЕВ олган сурат.**

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

# ТИРИКЛИКДА ҚЎЙИЛГАН ҲАЙКАЛ

***Инсон ҳаёти қанча яшаганлиги билан эмас, балки қандай яшаганлиги билан баҳоланади. Олтиндан қиммат умрнинг ҳар дақиқасини ғанимат билган киши ундан унумли фойдаланишга, эзгу ва савоб ишларни кўпроқ қилиб қолишга шошади. Бу билан у бошқаларга ёрдам берибгина қолмай, ўзининг иккинчи умрига ҳам замин ҳозирлайди. Чунки яхши инсонлар бу фоний дунёдан ўтгач ҳам бошқалар қалбида яшаб қоладилар.***

Наманган вилояти ИИБ ЙҲХБнинг собиқ бошлиғи, полковник Шавкат Ишонхонов ҳам шундай инсонлардан эди. Тошкент шаҳрида туғилган Ш. Ишонхонов болалигидан тиришқоқ, ғайратли бўлиб ўсди. Ҳаёт қийинчиликларини матонат билан енгишга ўрганди. Ўсмирлик даври Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келиб, фронт орти ишларида катталар билан тенгма-тенг меҳнат қилди. Уруш тугагач, ҳарбий хизматдан сўнг болаликдаги орзуси – ички ишлар ходими бўлиш сари дадил қадам ташлайди. 1949 йили Тошкент вилояти ИИБда сафдор бўлиб фаолият бошлайди. Серғайрат, изланувчан ходим раҳбарият назарига тушиб, тез орада унга ҳайдовчилик вазифаси юклатилади.

Хизмат бурчига содиқлик, зиммадаги топшириқни масъулият билан адо этиш ва ҳамиша ўқиб-изланиш орқали кўпчиликнинг назарига тушди. Аввал Тошкент шаҳри ва вилоятида, сўнгра Ички ишлар вазирлиги ҳамда Фарғона вилоятида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшди.

1970 йилда Наманган вилояти ИИБ кадрлар билан ишлаш хизмати бошлиғи лавозимига тайинланган Ш. Ишонхонов нафақага чиққанига қадар самарали меҳнат қилди. Наманган шаҳар ИИБ бошлиғи, вилоят ИИБ ЙҲХБ бошлиғи лавозимларида ўзининг раҳбарлик истеъдодини ҳар томонлама намоён этгани учун хизматлари муносиб тақдирланди.

Турмуш ўртоғи ички ишлар ходимаси Т. Ишонхонова ҳам оддий ходималикдан подполковник даражасигача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. Улар икки ўғилу бир қизни эл-юрт ишига камарбаста қилиб вояга етказдилар.

– 1976 йилдан бошлаб қарийб 10 йил вилоят ИИБда хизмат қилдим, – дейди бошқарма фахрийлар кенгаши раиси Т. Нуъмонов. – Шавкат ака хизмат юзасидан талабчан, қўл остидагиларни тушуна оладиган, атрофдагилардан қўлидан келадиган ёрдамини аямайдиган раҳбар эди. Жуда кўп ходимларнинг камол топишида Шавкат аканинг меҳнати сингган.

Шавкат ака энг қийин вазиятларда ҳам ташаббус кўрсатиб, масаланинг оқилона ечимини топа оларди. Ҳозирги вилоят ИИБ ЙҲХБ биноси лойиҳасини тайёрлаш, қурилиш бошланишига катта ҳисса қўшган.

– Шавкат акани 1970 йилдан буён биламан, – дейди истеъфодаги полковник А. Яков. – Биринчи танишганимизда у киши Наманган вилояти ИИБ ЙҲХБда раҳбар, мен республика ИИВнинг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида ишлар эдим. Кейин мени ҳам вилоятга юборишди. Вилоятда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда, йўлларни замон талаби даражасига келтиришда унинг ҳиссаси жуда катта. Иш талаб қилиш билан бирга, ходимларнинг иссиқ-совуғидан хабардор эдилар. Бирга ишлаган ҳамкасблар қатори мен ҳам Шавкат акани ўзимга устоз, деб биламан.

Ш. Ишонхонов билан бирга ишлаган ходимлар у ҳақидаги хотираларни худди кечагидек ёдга олишади. Айниқса, 1976 йил 2 май куни жала оқибатида Чортоқ ва Уйчи туманига сел келгани, икки минг нафардан ортиқ аҳолини фалокат гирдобидан олиб чиқишда Ш. Ишонхоновнинг мардлик ва жасорат кўрсатгани барчанинг ёдида.

Бугун Шавкат ака ҳам, турмуш ўртоғи ҳам орамизда йўқ. Аммо уларнинг хотираси юзлаб инсонлар қалбида яшамоқда. Улардан «яхши инсон эди, Аллоҳ раҳмат қилсин», деган тилакларни кўп эшитиб, инсон тириклигида ўзига ҳайкал қўйиши шу бўлса керак, деган хулосага келдик.

**Фурқат РАҲИМЖОНОВ.**

*Наманган вилояти.*



# ҚОНУН — ҲУҚУҚ КАФОЛАТИ

## «ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ШАРҲ

### III. ФУҚАРОЛАРНИНГ АРИЗАЛАР, ТАКЛИФЛАР ВА ШИКОЯТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ҲАМДА УЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

**16-модда. Аризалар, таклифлар ва шикоятларни бериш муддатлари**

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар бериши учун муддат белгиланмайди. Айрим ҳолларда муайян давлат органининг ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш имкониятига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида рўёбга чиқариш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этилишини таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра, бундай давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятларни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёки қарорлар қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йил ичида берилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат ариза ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи томонидан тикланади.

Қонун фуқароларнинг давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар бериш муддатларини чекламайди. Бу умумий қоида ҳисобланади. Лекин айрим ҳолларда, яъни мурожаат этилаётган муайян давлат органининг мурожаатни кўриб чиқиш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мурожаат этувчининг ҳуқуқ ва эркинликлари ўз вақтида ҳимоя этилишини таъминлаш мақсадида мурожаат қилиш муддати белгиланиши ҳам мумкин. Бундай муддатлар қонун ёки қонун ости ҳужжатларида назарда тутилади.

Фуқаро ўз мурожаати юзасидан давлат органи томонидан унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузувчи қарор қабул қилинганлиги ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги тўғрисидаги маълумотга эга бўлган вақтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай, бўйсунув тартибидаги юқори турувчи давлат органига мавжуд қарор нусхаларини илова қилган ҳолда ариза ёки шикоят бериши мумкин. Фуқаролар томонидан узрли сабабларга кўра зикр этилган мурожаат муддати ўтказиб юборилган бўлса, ариза ёки шикоятни кўриб чиқаётган давлат органи ушбу бир йиллик муддатни тиклаш ҳуқуқига эга. Айрим МДҲ давлатлари қонунчилигида бу муддат қисқароқ белгиланган. Масалан, Украина қонунчилиги бу муддатни бир ой қилиб белгилайди ва бу билан фуқаролар ўз бузилган ҳуқуқларини тиклашда сусткашликка йўл қўймасликларини таъминлаш мумкин деб ҳисоблайди.

Таъкидлаш жоизки, фуқаронинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зиён етказилган ҳолатлар бўйича судга даъво қилиш муддати Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (12-бобда 3 (уч) йил қилиб белгиланган.

**17-модда. Фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш**

Фуқароларнинг давлат органига келиб тушган мурожаатлари ана шу органнинг ўзи ёки зиммасига мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Мурожаатларни кўриб чиқиши учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ман этилади. Агар фуқароларнинг мурожаатларида уларни тегишли органларга жўнатиш учун зарур маълумотлар бўлмаса, бу мурожаат худди шу муддат мобайнида асослантирилган тушунтириш билан фуқаронинг ўзига қайтарилади.

Фуқароларнинг мурожаатлари ҳар тарафлама муфассал ва холисона кўриб чиқиш учун қўшимча ахборотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлса, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органининг мансабдор шахси қўшимча ахборот тўплаши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатини кўриб чиқаётган давлат органи зарур ҳолларда мурожаат жойининг ўзида кўриб чиқилишини таъминлаши керак.

Алоҳида ҳолларда, мурожаат этган шахснинг ўзи ёки бошқа шахс йўқлигида мурожаатни кўриб чиқишнинг имкони бўлмаса, улар давлат органи ёки мансабдор шахси томонидан чақирилиши мумкин.

Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича қабул қилинган қарорларни давлат органининг раҳбари ёки бошқа ваколатли мансабдор шахси имзолайди.

Агар ариза, таклиф ёки шикоятда баён қилинган масалалар ҳал этилаётганда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш зарурати юзага келса, бу иш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасига асосан, фуқаролар ҳар қандай давлат органи ва унинг мансабдор шахсига ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат қилиши мумкин. Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми мазмунига кўра, мурожаатни кўриб чиқувчи субъектлар сифатида мурожаат юборилган давлат органи ва ушбу давлат органининг мансабдор шахси белгиланган. Бу ўринда мурожаат келиб тушган давлат органининг ўзи томонидан уни кўриб чиқиш масаласига аҳамият бериш зарур. Мурожаат таалуқлилик қоидаларига риоя қилган ҳолда ушбу Қонун талаблари асосида қайси давлат органига берилган бўлса, унга жавоб ҳам мувофиқ равишда ўша давлат органи номидан берилади. Давлат органининг мансабдор шахси фуқаро мурожаатини кўриб чиқиш жараёнида бир қанча ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Жумладан, зарур ҳолларда қўшимча ахборотлар тўплаши, мурожаатни кўриб чиқиш жойини белгилаш, кўриб чиқиш давомида мурожаат этувчининг ўзи ёки вакилининг иштироки талаб этилса, уларни чақиртириши мумкин.

Агар фуқароларнинг мурожаатлари уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, улар кўриб чиқилиш учун беш кунлик муддат ичида ваколатли давлат органига юборилади ва бу ҳақда мурожаат муаллифига хабар қилинади. Қонун мурожаатни унда қўйилган масалани кўриб чиқиш ваколатига эга бўлмаган давлат органига юборишни тақиқлайди.

Мурожаатни кўриб чиқиш учун қарори ёки ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органи ёки мансабдор шахснинг ўзига юбориш мазкур Қонун талабларини жиддий бузиш ҳисобланади. Бинобарин, бу ҳолат фуқаронинг ўз мурожаати учун таъқиб қилинишига олиб келиши мумкин. Қонуннинг мазкур талаби хорижий давлатлар қонунчилигига ҳам тўла мос келади. Масалан, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Украина қонунига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида келиб тушган фуқаронинг мурожаатини қарори ёки ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ўз ифодасини топган. Қонунчиликка бундай нормаларнинг киритилаётганлиги ҳам фуқаролар мурожаатларига давлат томонидан қай даражада муҳим аҳамият қаратилишидан далолатдир.

Фуқаронинг мурожаати уни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлмаган давлат органларига келиб тушганда, Қонунда назарда тутилган 5 (беш) кунлик муддатда ваколатли давлат органларига юборилади. Агар фуқаронинг мурожаатини тегишли давлат органига юбориш учун зарур маълумотлар етарли бўлмаса, у айнан шу муддат ичида асослантирилган ҳолда мурожаат этувчининг ўзига қайтарилиши шарт. Бунда беш кунлик муддат ҳар икки ҳолатда ҳам мурожаат давлат органига келиб тушган кундан бошланади.

Давлат органининг мансабдор шахси мурожаатни кўриб чиқишда уни ҳар тарафлама муфассал ва холисона кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун қўшимча ахборотлар, маълумотлар ва ҳужжатлар тўплаши мумкин. Айни вақтда ушбу ҳаракат мансабдор шахснинг қонунда назарда тутилган ваколатлари доирасида бўлиши талаб этилади. Масалан, мансабдор шахс фуқаронинг давлат органига юборган ариза, таклиф ва шикоятини кўриб чиқишда ушбу қонуннинг 18-моддаси талабларига риоя қилиши керак.

*(Бошланиши ўтган сонларда. Давоми бор).*



# ДАЪВО АРИЗАСИ



### СУД ХАРАЖАТЛАРИНИ ТАРАФЛАР ЎРТАСИДА ТАҚСИМЛАШ

Агар ҳал қилув қарори сизнинг фойдангизга чиқарилган бўлса, суд сизга иккинчи тарафдан, гарчи бу тараф давлат даромадига тушадиган суд харажатларини тўлашдан озод этилган бўлса-да, иш юзасидан қилинган ҳамма харажатларни ундириб беради. Масалан, ишда сизнинг манфаатингизни адвокат ҳимоя қилган бўлса, муайян ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда процессни ютқазган тараф адвокат хизмати учун қилган харажатингизни ҳам тўлаб бериши керак.

Агар адвокат процессни ютиб чиққан тарафга белгиланган тартибга мувофиқ бепул юридик хизмат кўрсатган бўлса, тегишли сумма юридик консультация фойдасига ундирилади.

Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган бўлса, қонунда кўрсатилган суммалар жавобгардан даъвогарга талабларнинг суд қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда, жавобгарга эса, даъвогардан у арз қилган талабларнинг рад этилган қисмига мутаносиб равишда ундириб берилади.

Агар юқори турувчи суд ишни янгидан кўриб чиқиш учун юбормай, чиқарилган ҳал қилув қарорини ўзгартирса ёки янги ҳал қилув қарори чиқарса, у суд харажатлари тақсимотини ҳам тегишлича ўзгартиради.

Сиз процессни ютқазган бўлсангиз, унда сиз иккинчи тарафнинг барча суд харажатларини, шунингдек суд чиқимларини давлат фойдасига тўлашга мажбурсиз. Агар иккинчи тараф давлат божи ва бошқа чиқимларни тўлашдан озод этилган бўлса ҳам ушбу харажатлар сиздан давлат фойдасига ундирилади.

**● Келишув битими тузилган тақдирда суд харажатларини ким кўтаради?**

Тарафлар ўртасида келишув битими тузилган бўлса-да, унда суд харажатларини ва адвокатлар хизматини тўлаш тартиби назарда тутилиши мумкин. Мабодо келишув битимида бу масала ечим топмаган бўлса, унда суд умумий тартибда ҳал қилади, яъни тарафлар қондирилган талабга пропорционал равишда харажатларни тўлайдилар.

**● Суд харажатларини давлатга қайтариш таомили қандай?**

Умумий қоидага кўра ишни кўриш билан боғлиқ суд чиқимлари айбдор томондан давлат даромадига ундирилади.

Агар арз қилинган талаблар қисман қаноатлантирилган, жавобгар эса, суд харажатларини тўлашдан озод қилинган бўлса, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари суд харажатларини тўлашдан озод қилинмаган даъвогардан талабларининг рад этилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

Арз қилинган талабларни қаноатлантириш рад этилган тақдирда, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари даъвогардан давлат даромадига ундирилади.

Борди-ю, ҳар икки тараф ҳам суд харажатларини тўлашдан озод қилинган бўлса, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар давлат ҳисобига ўтказилади.

**● Даъво аризасини беришда даъвогар давлат божи тўлашдан озод этилган бўлса-чи?**

Даъвогар давлат божи тўлашдан озод этилган тақдирда даъво:

тўлиқ қаноатлантирилган бўлса, суд харажатлари жавобгардан давлат даромадига ундирилади;

қисман қаноатлантирилган бўлса, давлат божи жавобгардан талабларнинг қаноатлантирилган қисмига мутаносиб равишда давлат даромадига ундирилади.

**● Тарафлар давлат божи тўлашдан озод этилган ҳолларда бу масала қандай ечим топади?**

Агар ҳар икки тараф ҳам қонунда белгиланган тартибда давлат божи тўлашдан озод этилган бўлса, суднинг ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлари давлат ҳисобига ўтказилади.

**● Суд харажатлари билан боғлиқ масалалар бўйича ажрим устидан шикоят қилиш мумкинми?**

Суд харажатлари билан боғлиқ масалалар бўйича суд ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

### ИШЛАРНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ

Ишни судда кўришга тайёрлашнинг ўзига хос қоида ва талаблари бор.

Ариза қабул қилиниб, фуқаролик иши қўзғатилганидан сўнг ўн кунлик муддатдан кечиктирмай ишни судга тайёрлаш ишлари амалга оширилиши лозим. Бу муддат алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар бўйича судьянинг асослантирилган ажримига биноан узайтирилиб, йигирма кунга етказилиши мумкин, қонунда алоҳида кўрсатилган ишлар бундан мустасно.

Ишларни судда кўришга тайинлаш босқичида судья сизга кейинги суд мажлисига чақирув қоғозини беради. Агар аризани почта орқали юборган бўлсангиз, чақирув қоғозини ҳам почта орқали оласиз.

Агар қирқ кун мобайнида чақирув қоғози келмаса, суд девонхонасига телефон қилиб, аризанинг тақдирини суриштириб билишингиз лозим бўлади.

Одатда судья қабулига жавобгар ҳам чақирилади. Судья жавобгардан даъво аризаси юзасидан ёзма тушунтириш беришни талаб қилиши мумкин. Шу тушунтириш хатининг нусхаси даъвогарга ҳам юборилиши керак.

*(Бошланиши ўтган сонларда. Давоми бор).*

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

*Келгуси ҳафта учун*

**ҚЎЙ.** Ҳафтанинг биринчи ярми бир қатор ишларни амалга ошириш учун омадли келади. Аммо ортиқча ташвиш келтирадиган таклифлар ҳам бўлиши мумкин. Шу боис ўйлаб, пухта режа асосида қарор қабул қилганингиз маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярми ўз имкониятларингизни намоён қилиш учун қулай. Техник ассоблар, электр ускуналарни эҳтиёткорлик билан ишлатиш лозимлигини унутманг.

**СИГИР.** Ҳафта шахсий муносабатларингизда янги истиқболлар очади. Ҳамкорингиз билан алоқаларингиз яхшиланади. Лекин ўз қизиқишларингиз, манфаатингизни юқори қўйиб, яқин одамларингизнинг манфаатлари билан ҳисоблашмаслик асло ярамайди. Гарчи бу борада фикрларингиз турлича бўлса-да, мақсадингизни жамлаб, уйғунлаштириб, ҳамжиҳатликда, бир қарорга келишни тақозо этади.

**ЭГИЗАКЛАР.** Ҳафта одатдагидан муваффақиятли кечади. Шунга қарамай, ўзингиз билмаган, тажрибага эга бўлмаган ишлар билан шуғулланмаганингиз маъқул. Бундай бефойда уринишлар обрўйингизга ҳам путур етказиши мумкин. Мазкур ҳафтада саломатлигингизга кўпроқ эътибор қаратинг. Ўзбилармончилик қилмасдан тажрибали шифокорга мурожаат этишни маслаҳат берамиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА.** Ҳафта мазкур бурж остидагиларга ишқий воқеаларга тўла бўлишини ваъда бермоқда. Аввалги муносабатлар мустаҳкамланса, янги учрашувлар бетакрор ва унутилмас бўлади. Бироқ воқеаларни тўғри баҳолаб, муносабатларнинг кўплигига қараб эмас, сифатига қараб фикр юритишни маслаҳат берамиз. Шошма-шошарлик қилиб, ёлғон гапларга ишониб қолишдан эҳтиёт бўлинг!

**АРСЛОН.** Бу ҳафта оила, мерос, кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун қулай бўлиши кутилмоқда. Агар юридик билимларга эга бўлмасангиз, малакали ҳуқуқшуносларга мурожаат қилганингиз маъқул. Шунингдек, мазкур ҳафта уйингизни тўла ёки қисман таъмирлаш учун ҳам қулай. Асосий ишларни ўзингиз бажаришингизга тўғри келади.

**БОШОҚ.** Ҳафтанинг биринчи ярми ўз имкониятларингизни намоён қилиш учун қулайдир. Шунингдек, оилавий муносабатларни яхшилаш, ўзаро англашилмовчиликларга барҳам бериш, фойдали қарор қабул қилиш мақсадга мувофиқ эканлигига эътибор беринг. Маиший масалаларни қизишмай, оғир-босиқлик билан ҳал этган маъқул. Оилада жанжал, келишмовчилик келиб чиқишига йўл қўйманг.

**ТАРОЗИ.** Пул билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш лозим бўлади. Ўз жамғармангизни ўйлаб сарф қилинг. Шунингдек, қўшимча даромад ишлаб олишингиз ҳам мумкин. Ўзингиз учун зарур бўлган нарсаларни харид қилиш имкони бор. Молиявий жиҳатдан барқарорлик сизни хотиржам этиши учун аввалги режаларни ишга солиб, кўпроқ даромад олиш имкониятларини қидириб топишга тўғри келади.

**ЧАЁН.** Бу ҳафта кўпчиликнинг диққат марказида бўласиз. Кўп нарса ўзингизни тутишингиз, муомалангизга боғлиқ. Ижод соҳасида бор имкониятларни ишга солиш муваффақиятларга замин яратади. Севикли кишингиз учун муносиб совға ёки ишқий учрашув ҳадя этиш имкониятидан фойдаланинг. Яқинларингиз билан низолашманг. Уларнинг фикрини маъқулласангиз ҳеч нарса ютқазмайсиз.

**ЁЙ.** Буржлар ёрқин ва кескин ҳаракатлар қилмасликни маслаҳат беради. Ҳафта дам олиш, куч-қувват тўплаш учун қулай, ортиқча ҳис-ҳаяжон, безовталик соғлиғингизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Кўпроқ вақтингизни уйда, оила аъзоларингиз билан ўтказинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида қўшимча даромадли иш чиқиши мумкин. Бироқ бу ҳақда ҳеч кимга айтмаганингиз маъқул.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Дўстлар билан яқин мулоқот муҳим аҳамият касб этади. Суҳбат давомида ўзингиз учун зарур саналган бир дунё маълумотга эга бўласиз. Шунингдек, бирор ишга қўл уришдан олдин маслаҳат ва тавсиялар олишни унутманг. Бироқ молия билан боғлиқ лойиҳа ва режалар кутилган натижани бермаслиги мумкин. Тижорат билан боғлиқ бўлмаган лойиҳалар омадли кечади.

**ҚОВҒА.** Ўз олдингизга қўйган мақсадлар сари дадил интилинг. Аммо шахсий манфаатларингизни бошқаларникидан устун қўйманг. Эътиборли шахслар билан низога борманг. Режаларингизни сир тутинг. Муваффақиятга эришиш учун кўп куч сарфлашингизга тўғри келади. Шунингдек, сарф-харажатлар ҳам талаб этилади. Нима бўлганда ҳам имкониятларингизни тўғри баҳолашни маслаҳат берамиз.

**БАЛИҚ.** Бу ҳафта дунёқарашингизни ўзгартириши мумкин. Шу боис дўстларингиз, ҳамкорларингиз билан фикрлашинг. Диний ақидапарастлар, турли таълимот тарғиботчилари билан муомала қилишдан тийилишни маслаҳат берамиз. Янги билимлар олишни истасангиз илмий фаолият билан шуғулланинг, илмий тажрибалар ўтказинг. Саёҳатга чиқишни режалаштирсангиз фақат ўзингизга таниш юртларга боринг.

# ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

## ДУШАНБА, 9 НОЯБРЬ

### «O'zbekiston»

**Ҳурматли телетомошабинлар! Профилактика муносабати билан 9 ноябрь куни «O'zbekiston» телерадиоканали» ўз кўрсатувларини соат 14.55дан бошайди.**

14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00 «Таҳлилнома».
15.45 ТВ - анонс.
15.50 «Ватанпарвар».
16.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тулпорим».
16.40 «Менинг оилам».
17.00 «Ахборот».
17.10 ТВ - анонс.
17.15 «Ҳаёт ва қонун».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.00 «Олтин мерос».
18.05 Миллий сериал: «Умр манзаралари».
18.40 «Юртим бўйлаб» дастури: «Наманган ширмойлари».
18.50 ТВ - анонс.
18.55 «Бир кун».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 19.55, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус).
20.00 ТВ - анонс.
20.05 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.00 «Ахборот».
21.30 «Мен ёшликман».
21.45 ТВ - анонс.
21.50 «Қирол Сежонг». Т/с.
22.35 «Иқлим».
22.40 «Оқшом». Б/ф. 1-қисм.
23.40 - 23.45 Тунги наволар.

**«Uzbekistan».**

23.45 Кўрсатувлар дастури.
23.50 «Ватанпарвар».
00.30 «Самарқанд жавоҳири».
01.00 «Ахборот». (рус).
01.30 «Салом, ёшлар!»
02.30 - 03.30 «Маънавият» дастури.
03.30 «Бир кун».
03.55 ТВ - анонс.
04.00 «Ахборот».
04.30 «Истеъдод».
04.50 «Менинг оилам».
05.10 «Ўзбегим либослари».
05.40 - 05.55 Тонгги наволар.

### «Yoshlar»

6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар!»
8.00 «Ишқ ифори». Т/с.
8.45 «Yoshlar-FM».
9.10 «Шерюрак». Т/с.
9.55 «Конституция дарси».
10.00 «ДАВР».
10.30 «Даврнинг боласи».
10.40 «Миллий мультфильм».
10.50 «Келажак эгалари».
11.00 «Шарқ гавҳари».
11.30 «Мўъжизавий дунё».
12.00 «Тошкент мушоираси».
12.10 «Ишқ ифори». Т/с.
12.55 «Оила – меҳр булоғи».
13.00 «Камолот хабарлари».
13.10 «Жаннат ўлкам» дастури: «Илонларни асранг».
13.40 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили: «Қишлоқ тараққиёти».
14.00 «Салом, ёшлар!»
15.00 «Камалак жилваси».
15.40 «Умр баҳори».
16.00 «ДАВР».
16.10 «Даврнинг боласи».
16.20 «Мультипанорама».
16.30 Физика дарси. «Табиат қирралари».
16.45 «Нафс гирдоби».
17.00 «KINOMANIYA».
17.30 «Вақт». Б/ф. 1-қисм.
18.50 «UzEX».
18.55 «Конституция менинг тақдиримда».
19.00 «ДАВР».
19.30 «Ишқ ифори». Т/с.
20.20 «Миллий мерос».
20.30 «Соғлик – бойлик».
20.50 «Автопатруль».
21.10 «Шерюрак». Т/с.
22.00 «ДАВР».
22.30 «Пуаро». Т/с.
00.00 «Инсон психологияси».
00.30 «Афсона ва ҳақиқат».
01.20 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 «Пойтахт».
15.20 «Қақнус». Т/с 18-қисм.
16.20 «Саргузаштлар ороли».
16.45 «Денгиз итлари». М/ф.
16.55 «Карвонсарой».
17.05 «Ҳуқуқшунос маслаҳати».
17.10 «Тошкентнинг илм масканлари».
17.20 Миллий сериал: «Қалдирғочлар яна қайтади». 19-қисм (Премьера).
17.50 «Телекурьер-маркет».
18.10 «Анонс».
18.15 «Аёл қалби».
18.30 «Пойтахт».
18.50 «Гул ифори». Т/с.
19.40 Бизнес-«Пойтахт».
19.45 «Саломат бўлинг!» (рус).
19.55 «Анонс».
20.00 «Пойтахт». (рус).
20.20 «Тошкент ва тошкентликлар». Бевосита мулоқот.
21.00 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.30 «Пойтахт».
21.50 Мумтоз наволар.
21.55 «Ўйларим».
22.00 «Телекурьер-маркет».
22.20 «Кино SMS со звёздами».
22.25-00.05 «Летчики». Х/ф.

### «Sport»

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин». Информацион-таҳлилий кўрсатув.
8.35 «Малахов +».
9.30 «Версия». Информационно-аналитическая программа.
10.05 «Шаҳризоданинг саргузаштлари». Мультсериал.
10.30 Футбол. Чемпионат России. ЦСКА – «Рубин».
12.05-13.05 «ПрофРИНГ».
18.00 «Тет-а-тет».
18.10 «Хабарлар» (рус тил)
18.30 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Бунёдкор» – «Динамо».
20.10 Теннис. Кубок Федерации. Финал. Италия – США.
21.30 «Хабарлар» (ўзб. тил)
21.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Локомотив» - «Андижон».
23.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### ТВ-МАРКАЗ

07.00 Ўзбек наволари
08.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
08.30 Ўзбек наволари
10.00 «Bollivud markazida»
11.00 Ўзбек наволари
11.30 «Крепкий орешек» худ.фильм
13.40 Ўзбек наволари
14.20 Prime time (рус)
14.30 «Премьера» (рус)
15.00 Сериал «Жассига ўхшаши йўқ»
15.30 Сериал «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЛЯ»
16.30 Ўзбек наволари
17.30 «Топ-10»
18.30 Сериал «ЖАССИГА ЎХШАШИ ЙЎҚ»
19.00 Ўзбек наволари
21.00 Сериал
22.00 «ПОЦЕЛУЙ НА УДАЧУ» худ.фильм
00.00 Миксер

### «ЎзНТТ»

6.30 «Асрлар садоси».
7.00 Тонгги наволар.
7.30 «Парламент соати».
7.50 «Суғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви.
8.00 «Буни ҳаёт дейдилар».
8.30 «Тарона».
9.00 Оилавий экран: «Ўт ўчирувчи ит» б/ф.
10.30 «Тарона».
11.00 «Бизнес репорт».
11.15 «Тарона».
11.30 Ҳужжатли фильм.
11.50 «Тарона».
12.05 Кутилмаган томоша.
12.15 «Кўнгил наволари».
12.30 Ҳудудий телестанциялар лойиҳалари.
12.45 «Тарона».
13.00 Одамлар орасида» ток-шоу.
13.30 «Тарона».
14.00 Болалар соати: «Янги авлод».
14.20 Мультконцерт.
14.30 «Ёшлар» студияси кўрсатуви.
14.50 «Тарона».
15.00 «Яхши кайфият».
15.30 «Кўзларинг маъюс» б/ф.
17.00 Болалар соати: «Янги авлод».
17.20 «Ёшлар» студияси кўрсатуви.
17.45 «Тарона».
18.00 «Асрлар садоси».
18.30 «Тарона».
19.00 Телевизион сериал.
19.45 «Азия-лото».
20.30 «ҲУДУД» ахборот-таҳлилий дастури.
20.50 «Суғдиёна» мунис аёллар кўрсатуви.
21.00 «Яхши кайфият».
21.30 «Бизнес-репорт».
21.45 Кечки мусиқий бекат.
22.00 Кечки кинозал: «Чол ва набира» б/ф.
23.30 «Тунги ором» мусиқий дастур.
00.00 «ҲУДУД».

МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ЭКОЛОГИЯ ва БИЗ



**Мамлакатимиз табиий ресурсларга бой. Мустақилликка эришилган илк кунларданоқ улардан оқилона фойдаланиш ва атроф табиий муҳитни асраб-авайлаш ва келгуси авлод учун мерос қилиб қолдириш борасида зарур йўналишлар белгиланди.**

Шўролар даври ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг генофондига салбий таъсирни, биологик хилма-хилликнинг қисқариши, катта ҳажмдаги саноат ва бошқа тур чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, чўлланиш, ер ва сув ресурсларининг деградацияси, Орол денгизи ҳалокати каби минтақавий ва глобал миқёсда ечилиши зарур бўлган экологик муаммоларни мерос қилиб қолдирди. Бу ва шу каби бошқа муаммолар инсон ҳамда унинг манфаатлари ҳимояси, биринчи навбатда, соғлом ва мусаффо атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ўзагини ташкил этган замонавий Ўзбекистон учун зарур бўлган атроф табиий муҳитни асраб-авайлашни ва уни соғломлаштиришни янада долзарб қилиб қўйди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларини олдини олиш борасида муайян тажриба орттирилди. Аммо соҳадаги вазифаларнинг миқёси ва кўлами мамлакатимиз ҳамда минтақада экологик ҳолатни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқароларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни талаб қилади. Соғлом атроф-муҳит муҳофазаси давлатимиз, жамиятимиз ва ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлиши лозим.

Сув – сайёрамиз биохилмахиллигини, экотизимининг тириклик манбаидир. Гарчи ер шарининг 71 фоизи сув билан қопланган бўлса ҳам чучук сув умумий сув миқдорининг 2 фоизга яқинини ташкил этади, холос. Она заминимизда ҳаётнинг боқийлиги кўп жиҳатдан ердаги сув манбалари, айниқса, чучук ичимлик сувлари захираларини асраш, ифлослантирмаслик, тежаб-тергаб фойдаланишимизга боғлиқдир. Афсуски сўнгги юз йилликда инсониятнинг сув ресурсларидан хўжасизларча фойдаланиши оқибатида ер юзида глобал ўсиш, иқлим ўзгаришлари, сув захираларининг камайиши каби салбий ҳолатлар кузатилмоқда. Оқибатда инсоният сув ресурсларининг ижтимоий, иқтисодий муаммоларига дуч келаяпти.

Мамлакатимизда сув ресурслари захираларини муҳофаза қилиш трансчегаравий сув манбаларидан фойдаланиш, ундан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ер усти ва ер ости чучук ичимлик сув захираларини муҳофаза қилиш, улардан самарали фойдаланиш борасида республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси саъй-ҳаракати билан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, ер ости сувлари ҳосил бўладиган зоналарга алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар мақомини бериш ва дарёларнинг сувни муҳофаза қилиш зонасини ва қирғоқбўйи полосасини, шунингдек, трансчегаравий дарёлар – Амударё ва Сирдарёнинг республика ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмларида сувни муҳофаза қилиш минтақалари ва қирғоқбўйи полосалари белгилаш тўғрисида Ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, тегишли вазирликлар, қўмиталар маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, шунингдек, корхонага ва ташкилотлар томонидан бажаришлари лозим бўлган вазифалар белгилаб берилди.

Юртимизда асосан 77 та манбада чучук ер ости ичимлик сувлари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий захираси 57,6 млн. $м^3$/суткани ташкил этади. Ер ости сув захираларининг 34,5 фоизи Фарғона водийсида, 24,6 фоизи Тошкент вилоятида, 18 фоизи Самарқанд вилоятида, 9 фоизи Сурхондарё вилоятида, 5,5 фоизи Қашқадарёда, 7 фоизи атрофидагиси эса қолган вилоятларда ҳосил бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, юртимизнинг ер ости сувлари умумий сув ресурсларининг ажралмас қисми бўлиб, иқтисодиётнинг ривожланишида, шаҳар, қишлоқлар аҳолисининг хўжалик-ичимлик сув таъминоти, саноат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарнинг асосий сув таъминоти манбаси ҳисобланади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан олиб борилган ишлар натижасида, умуман олганда, республика бўйича экологик ҳолатнинг бирмунча яхшиланиши ва барқарорлашуви кузатилмоқда.

Кези келганда айтиш лозимки, табиатдан, сув ресурсларидан оқилона, тежаб фойдаланиш, муҳофаза қилишни таъминлаш аввалambор, уни истеъмол қилувчилар, аҳолининг сувдан фойдаланиш маданиятига ҳам боғлиқлигини унутмаслигимиз керак. Қўмитанинг жойлардаги мутассадди ходимларининг саъй-ҳаракати, аҳоли орасида олиб борилаётган тушунтириш, тарғиботларга қарамай баъзан сувнинг исроф бўлаётгани, ифлослантирилаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Сув – бебаҳо неъмат, аммо унинг захиралари битмас-туганмас манба эмас. Шу боис юртимиз чучук ер ости сувлари ҳосил бўладиган табиий ҳудудларнинг экологик тоза, соф сақлаш учун шу юртда яшовчи ҳар бир фуқаро масъулият ҳиссини теран англамоғи зарур. Юртимизнинг табиий сув манбалари – миллий бойлигимиз. Уни асраш, авайлаш, тежаб фойдаланиш, келажак авлодларимизга соф ҳолда етказиш биз учун ҳам қарз ва фарздир.

Ер – халқ бойлиги, қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланади. Табиат компонентлари – тоғ жинслари, сув, ҳаво, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўзига хос хусусиятлари билан табиий ва антропоген таъсирларда ривожланиши, сифат ва таркибий ўзгариши кузатилса-да, улар ўзаро узвий боғлангандир. Улар ўртасида тўхтовсиз модда алмашинуви амалга ошади ва натижада табиий ҳудудий комплекслар ҳосил бўлади.

Инсоният тарихи давомида 2 миллиард гектардан ортиқ унумдор тупроқли ерлар яроқсиз ҳолга келтирилган. Ҳар йили сайёрамиздаги қишлоқ хўжалиги учун яроқли ерлар майдони шўр босиши, чўлга айланиши, емирилиши натижасида 5-7 миллион гектарга камаймоқда.

Ер юзида деҳқончилик мақсадларида ишлатиладиган майдонлар мавжуд ерлар ҳудудининг 10 фоизини ташкил қилади. БМТ маълумотларига кўра, сайёрамизнинг фойдали ерларига замонавий агротехника билан ишлов берилса, ер юзида 40 миллиард аҳоли ўртача таъминот билан яшаши мумкинлиги қайд этилган.

Ер юзи тупроқ қатламининг ҳозирги ҳолати биринчи навбатда, кишилик жамиятининг фаолияти билан белгиланади. Инсон тупроқларнинг ҳосилдорлигини ошириши, ерларнинг ҳолатини яхшилаши мумкин. Шу билан бирга, шаҳар ва йўлларнинг қурилиши атроф-муҳитнинг ифлосланиши, агротехник тадбирларнинг талабга жавоб бермаслиги натижасида тупроқлар бевосита йўқ қилиниши, яроқсиз ҳолга келиши, емирилиши мумкин. Шунингдек, табиатда шамол ва сув таъсирида тупроқларнинг емирилиши ёки эрозияси кузатилади.

Антропоген эрозия тупроқ ресурсларидан нотўғри фойдаланишнинг оқибати бўлиб, унинг асосий сабаблари ўрмон ва тўқайларни йўқотиб юбориш, яйловларда чорва молларини боқиш меъёрига амал қилмаслик, деҳқончиликда сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик ва бошқалар шулар жумласидандир.

Табиатдан фойдаланиш иқтисодий масаладир. Чунки у жамият билан табиатнинг таъсири масаласидир. Табиатдан фойдаланиш тўғри ёки нотўғри эканлигини белгиловчи мезонни аниқлаш жуда мураккаб. Чунки табиат комплексининг бирор компонентига нисбатан салбий бўлиши мумкин ёки ижобий таъсир ўз навбатида қўшни табиат комплексига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Оролбўйи минтақасидаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий ва экологик ҳамда чўлга айланиш жараёнлари бунга яққол мисол бўлади.

Инсонлар қадимдан ер қаъридан керакли фойдали қазилмаларни қазиб олиб ишлатиб келганлар. Жамият тарихи асосий ишлатилган қазилмалар номига мос равишда «тош даври», «бронза даври», «темир даври» – деб номланган. Вақт ўтиши билан фойдали қазилмаларни қидириб топиш ва ишлатиш суръатлари ҳам ошиб борди. Ҳозирги кунда инсоният эҳтиёжлари учун йилига 120 миллиард тоннадан ортиқ фойдали қазилмалар, тог жинслари ишга солинмоқда. Фойдали қазилмалар халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун хом ашё бўлиб хизмат қилади. Фан ва техниканинг ривожланиши, инсоният эҳтиёжларининг ўсиши натижасида фойдали қазилмаларни қидириш, ишлатиш ҳажми ортиб бормоқда. Ҳозирги даврда инсоният фойдаланадиган минераллар ва тоғ жинсларининг сони 3500 дан ортиқдир. Улардан 250 тури минерал хом ашёлар: ёқилғи ва энергетик хом ашё – нефть, газ, кўмир, уран ва бошқалар; қора ва рангли металлар; кимёвий хом ашёлар, қурилиш материаллари ва ҳоказолардир. Қазилма бойликлар тугайдиган ва қайта тикланмайдиган табиий ресурслар сирасига киради. Қазиб олиш жараёнида технологиянинг талабга тўла жавоб бермаслиги натижасида кўмирнинг 45 фоизи, нефтнинг 60 фоизигача, металларнинг 25 фоизигача қолиб кетади. Металл рудалари бойитилганда металлнинг бир қисми ва норуда минераллар ташлаб юборилади. Бундай нобудгарчиликлар билан фойдаланиш конларни тезда яроқсиз аҳволга олиб келади. Бу ўз навбатида, ёқилғи қазилмаларидан оқилона фойдаланиш ва янги энергетик манбаларни ишга солишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси минерал хом ашё ресурсларига бойдир. Ҳар йили ўнлаб маълан конлари ишга туширилаяпти. Қазилма бойликларидан самарали фойдаланиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Лекин шунга қарамасдан атроф-муҳитнинг ифлосланиши давом этмоқда. Республикада ҳар йили саноатнинг турли тармоқларида 40 миллион тонна атрофида чиқиндилар ҳосил бўлади. «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажарилишини таъминлаш, шунингдек, чиқиндиларнинг атроф-муҳитга зарарли таъсирини олдини олиш мақсадида «Аммофос» очиқ акциядорлик жамиятида қуввати йилига 10 минг тонна фосфогипсни қайта ишлашга мўлжалланган ускуна ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси саъй-ҳаракати билан яна кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида республика ва вилоят аҳамиятига молик 19 та чучук ер ости сувлари ҳосил бўладиган жами 407,36 минг гектар майдонга муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мақоми берилган. Бу қабул қилинган қарорлар фақатгина сувни ифлосланишдан муҳофаза қилишгагина қаратилган бўлмасдан, балки тупроқнинг ювилиб кетиши, мавжуд ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш каби кенг қамровли аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган.

Биз табиатни онага қиёслаймиз ва она табиат деймиз. Онамиз биз учун қанчалар азиз ва ҳурматли бўлса, табиат ҳам ундан кам эмас. Шундай экан табиатни асраш, экологияни яхшилаш ва мустаҳкамлаш ишларида фақат мутахассислар, соҳа идораларининг ходимлари эмас, балки шу заминда яшаётган ҳар бир инсон иштирок этиши, ҳаракат қилиши ва улуғвор ишларга ҳисса қўшиши керак.

**Муҳаммади МАМАНАЗАРОВ,**
**республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бош бошқарма бошлиғи.**



## ОГОҲ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!

# «БОЙВУЧЧА ХОНИМ»НИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ

**Ўтган йил куз фаслининг ўрталарида чойхоналардан бирида хизматчи бўлиб ишловчи Маҳбуба Абдиеванинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) довруғи нафақат ўзи яшайдиган маҳалла, балки Чироқчи туманида ҳам кенг тарқалди. Нега дейсизми? Икки ойда бозордаги йирик сармоядорларнинг ишончини қозонган бу аёл бир қанча тадбиркордан миллион-миллион сўмлаб пулларини қайтариб бериш шарти билан олиб, уларни чув туширди.**

Машойихларнинг тоғдай сўрасанг, қирдай беради, деган нақлига амал қилган Маҳбуба дастлаб ўтган йил октябрь ойининг охирларида туман тижорат бозорида «Ўсимлик ёғи сотиш билан шуғулланаяпман, Косондаги танишларим катта миқдорда ёғ жўнатибди. Пулини тайёрлаб қўйишим керак. Пулим камлик қиляпти. Шунинг учун менга 3000 АҚШ доллари қарз бериб турсангиз, икки-уч ой ичида товарни сотиб, пулингизни 100 килограмм ёғ билан бирга қайтараман» деб Зарбува Мўминованинг ишончини қозонади. Бир шаҳарда яшашидан ташқари, битта бозорда фаолият кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда ўз чойхоналарида оилавий ишлашини билган тадбиркор унга илк маротаба 500 АҚШ доллари ва 300 минг сўм пулни қарзга беради. Маҳбуба орадан икки-уч кунни ўтказиб, кечқурун ўртадаги ишончни мустаҳкамлаш учун 20 литр ўсимлик ёғи билан 50 кило шакар олиб, тўғри Зарбува опанинг уйига боради. Ваъдага биноан маҳсулотларни ташлаб, сармоядордан яна 2500 АҚШ долларини олиб кетади. Маҳбуба З. Мўминованинг ишончига киргач, тадбиркор унинг қандай юмуш қилиши билан асло қизиқмади. Тўғри-да, узумини егандан сўнг боғини суриштиришнинг нима кераги бор?

Шундан сўнг, сармоядорлардан қарз сўрашнинг ҳадисини олган Маҳбуба бу гал тижорат бозорининг йирик тадбиркорлари билан олди-берди қила бошлади. У М. Ҳасанованинг олдига бориб, аввалги ҳийласини ишга солди ва бир кун муҳлатга 2000 АҚШ доллари қарз сўради. Бунинг эвазига маълум миқдорда ёғ ёки шакар қўшиб беришини гап орасида қистириб ўтди. Бир кунга ҳўкиз ўлмас, икки кунга эгаси бермас, деганларидек, Муҳаббат опанинг ишончига кирган Маҳбуба эртаси куни олган пулига 200 АҚШ доллари қўшиб қайтарди. Лекин сармоядор фақат ўзига тегишли пулни олди. Кундан-кун ишлари юришаётган Маҳбуба яна Муҳаббат Ҳасанованинг ҳузурига борди. Ундан бир марта 300 АҚШ доллари, сўнгра бир миллион кейинги гал эса олти миллион сўм пул қарз олди. Бир-икки кун сақлаб, айтилган муддатда эгасига қайтарди. Пулни қайтариб берган Маҳбуба бир донадан эркаклар туфлиси, шим, жемпер, жами 175 минг сўмлик товарларни пулини тезда бериш шарти билан олиб кетди. Олган қарзларидан олдинги 300 АҚШ доллари Маҳбубанинг бўйнида қолди.



Чироқчи бозорида донғи чиқмаса ҳам номи тадбиркорларга танилган Маҳбуба яна Муҳаббат опанинг дўконида пайдо бўлди. Унга агар ҳозирнинг ўзидаёқ пул топиб бермаса ишлари юришмай қолишини айтиб, 1700 АҚШ доллари қарз олди. Орадан икки кун ўтгач, у Муҳаббат опага учрашиб, барча қарзларини кечқурун қайтариш шарти билан 8000 АҚШ долларини қўлга киритди. Чўнтагидаги пулнинг чўғини ўзича чамалаб кетаётган Маҳбуба рўпарасидан келаётган сармоядор Акмал Сатторовни кўриб, ундан ҳам қарз сўрашдан ўзини тия олмади. Акмал бу аёл билан илгари ҳам олди-берди қилгани учун ҳеч иккиланмай олти миллион сўмни қўлига тутқазди. Бу ҳам камлик қилганидек, тадбиркор Баходир Абдураҳмоновдан шу куннинг ўзида қайтариш шарти билан ўн миллион сўм қарз олиб, бозордан жуфтакни ростлади.

Чўнтаги пулга тўлган Маҳбубанинг кўнгли тилла буюмларни тусаб қолди. Шу мақсадда кўчага чиққан «бойвучча хоним» сармоядорлар кўзини шамғалат қилиб, бозорнинг тилла буюмлар сотиладиган жойига борди. Бу ер харидорлар билан гавжум эди. Ҳар ким ўзига зарур нарсани харид қилиш билан овора.

— Ассалому алайкум, София опа. Савдо қалай, юришаяптими? — сохта мулозамат билан сотувчига яқинлашди Маҳбуба.

— Келинг, — саломга алик оларкан сотувчи ўрнидан турди. — Кун бўйи ўтириб бирор нарса сотолмадим. Айланай, сизни бутун бозорда «Маҳбуба бойвучча» деб тилга олишяпти. Қани, бир бойвуччалигингизни кўрайлик-чи. Ёғ бизнесидан орттирган пуллардан бизга аталгани ҳам бордир.

Ўқи нишонга бехато текканидан хурсанд бўлган Маҳбуба нархи 1 млн. 30 минг сўмлик тилла трос ва «Кобра» номли 520 минг сўмлик тақинчоқни танлаб олиб, София Амановага хамир учидан патир дегандек, 150 минг сўм пул берди. Қолганини кечқурун келтиришини айтди-ю, атрофга аланглаб жўнади. Шундан сўнг Маҳбубага қарз берганларнинг бир оёғи у ишлайдиган чойхонадан узилмай қолди. Бугун биттаси қарзини сўраб келса, эртаси иккинчиси пайдо бўлиши аёлнинг оила аъзоларини ҳушёр торттирди.

Маҳбубанинг бир нафар фарзандини ота меҳридан мосуво қилиб, турмушидан ажралгани етмагандек, ўз уйидагилар билан ҳам чиқишмаслиги ана шундан сўнг сармоядорларга маълум бўлди.

Кўза кунда эмас, кунида синади деганларидек, Маҳбуба Абдиеванинг барча кирдикорлари фош бўлгач, тадбиркорлар бирин-кетин қарзини ундириш ва фирибгар аёлга чора кўриш учун туман ИИБ га ариза билан мурожаат қилишди. Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, олиб борилган тергов давомида М. Абдиева барча қилмишларини тан олди. Фуқароларни алдаб, ишончини суиистеъмол қилган фирибгар аёл суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

**Дилшод РАСУЛОВ,**
**капитан.**
**Содиқ РАҲИМОВ,**
**ўз мухбиримиз.**
*Қашқадарё вилояти.*

## «ИССИҚ ИЗИДА» ФОШ ЭТИЛДИ

# ҲЎКИЗ ЎҒРИСИ ТОПИЛДИ

**«Минор» қишлоқ фуқаролар йиғини Қорабура маҳалласида яшовчи Очилбой Хоналиев яхши ниятлар билан ҳўкиз боқаётганди. Очилбой ҳар куни жониворнинг этига-эт қўшилиб бораётганини кўриб, ўзида йўқ хурсанд эди. Аммо унинг қувончи узоққа чўзилмади. Бир куни тонгда уйғониб қараса ҳўкиз йўқ. Хонадон эгаси уни қидирди, суриштирди, аммо топилмади. Эртаси куни ноилож ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат этди.**

Ушбу ҳолат юзасидан суриштирув-қидирув ишлари бошлаб юборилди. Тезкор вакиллар, профилактика инспекторлари, жиноят очишда тажрибаси катта бошқа соҳавий хизматлар ходимларидан иборат тезкор гуруҳ аъзолари аниқ топшириқлар олишди. Туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили, капитан Муҳиддин Амонтўраев ва профилактика катта инспектори, майор Бахтиёр Саманов бевосита воқеа жойида суриштирув ишлари олиб бордилар. Олинган излардан аниқ бир хулосага келиш қийин эди. Ахир мол арқони бўшалиб кетганми ёки ўғирланганми, буни аниқлаш керак. Одатдагидек, тумандаги қассобхоналар, кушхоналарда суриштирув олиб борилди, муқаддам судланганлар ва жиноятга мойил шахслар билан суҳбатлар ўтказилди.

Воқеа содир бўлган кеча Очилбойнинг қўшниси Саъдулла ярим тунда кетмон кўтариб юрганини кимдир кўрганди. Аммо Саъдулла томорқадаги экинларни суғормаган. Бунинг сабаби жумбоқ эди. Суҳбат чоғида у аччиқланди, ҳатто дағдаға қилди.

– Мендан шубҳаланяпсизларми? Буни Очил айтган бўлса керак. Менга нисбатан унинг хусумати бор. Молни ўзи сотган, – деди Саъдулла жиғибийрон бўлиб. – Очил томонида туриб менга туҳмат қилаётганларинг учун устиларингдан шикоят қиламан.

– Хафа бўлманг, хизматчилик. Сизни ўғри дейиш учун етарли асосимиз йўқ. Бу шунчаки суриштирув.

Маълум бўлишича, маҳалладош, қўшни ва яқин қариндош бўлган бу икки инсон бири-бири билан ўзаро низолашиб юрган экан.

Қассоблар, олибсотарлар, даллоллар билан олиб борилган суриштирувлар натижасида калаванинг учи топилди. Воқеа содир бўлган куни Саъдулла мол бозорда катта ҳўкизни арзон-гаров пуллагани ҳақида маълумот олинди. Тезкор тадбирлар натижасида жониворни сотиб олган киши ҳам топилди.

Ҳўкиз ўғирлиги билан боғлиқ жиноят бир кунда фош этилди. Бундан Хоналиевлар хонадонининг қувончи чексиз. Улар ички ишлар ходимларига миннатдорлик билдиришди.

**Азамат МАМАДАЛИЕВ,**
**катта лейтенант.**
**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ,**
**ўз мухбиримиз.**
*Сурхондарё вилояти.*

## ГИЁҲВАНДЛИК – ИЛЛАТ

# ПИЁЗ ОРАСИДА ... ОҒУ

**Олтмиш ёшни қаршилаган Ўткир Луқмонов (исм-шарифлар ўзгартирилган) айни ўзгаларга панд-насиҳат қиладиган пайтида ножўя ишга қўл урди. Беш нафар фарзанднинг отаси илгари судланган бўлишига қарамай бундан тўғри хулоса чиқармади. У яна жиноят кўчасига кирди.**

Ички ишлар ходимлари томонидан ўтказилган «Қорадори-2009» тадбири пайтида унинг қилмиши фош бўлди. Ў. Луқмоновнинг Асбобон қишлоғидаги уйи кўздан кечирилганда, томорқадаги пиёз орасида 10 туп кўкнор парваришлаётгани аниқланди. Бундан ташқари, айвондаги тахталар устидан 20 туп ана шундай ўсимлик топилди.

Шофиркон туманилик Ў. Луқмонов суд ҳукми билан тегишли жазо олди. Шу ўринда мулоҳаза сифатида айтиш жоизки, у илгари ҳам худди шундай хатти-ҳаракати учун судланган. Буни яқинлари жуда яхши билишади. Бу гал ҳам у кўкнор экиб парваришлаётгани, қолаверса, айвондаги тахта устида заҳри қотилни қуритаётганини наҳотки яқинлари, оила аъзолари кўришмаган? Яхшиямки, қонун ҳимоячилари бундан ўз вақтида огоҳ бўлиб, оғуни йўқ қилишди. Акс ҳолда у қанча инсонларнинг ҳаётини заҳарлаган бўларди.

**Лолахон МАНСУРОВА.**
*Бухоро вилояти.*

# КЎКНОРИ ХАЁЛ

**Миришкор, тадбиркор, асл деҳқонлар бир қарич ерни ҳам бекор қолдирмай, экин экиб, фойдаланишга ҳаракат қилади. Айниқса, томорқасига сабзавот, картошка экиб, яхшигина даромад қилаётганларга қарата отангга раҳмат, қандингни ур, деса арзийди.**

Боёвут туманилик А. Турсунбойнинг томорқаси нақ чорак гектар келади. Яна озгина чорси жойи ҳам бор. Қўни-қўшниларининг томорқасига экин экиб, парваришлаб, ҳосилини бозорга олиб бораётганини кўрган хотини:

– Биз ҳам томорқадан фойдаланайлик, қачонгача тикан, шўра босиб ётади, – дейди.

Ношуд эр эса:

– Ёзнинг жазирамасида ишласам касал бўлиб қоламан, – дея ўдағайлади.

Аслида у томорқадан фойдаланиш «йўли»ни топганди. Қўшни республикада яшайдиган қариндошидан кўкнор уруғини олиб келиб, томорқанинг у ер, бу ерига ташлаб қўйди. Турсунбойнинг «омади чопдими», ҳарқалай уруғлар тезда униб чиқиб, ниҳоллар бўй кўрсатди. Санаб чиқди: йигирматадан ошибди. Агар ҳаммаси ўсиб, гулга кирса, мевасини сотса қанча бўлади? Ҳисоблаб чиқиб, кўзлари қувончдан ўйнаб кетди.

– Э, аҳмоқ хотин, картошка экайлик деб минғиллайсан, агар манави «ниҳоллар» пишиб етилса, ёзи билан терлаб ишлаганда ҳам бунча даромад қилолмасликни билмайсан-да, – деди ўзига-ўзи.

Ниҳоллар кўздан пана бўлсин, деб тикан баргларидан «соябон» қилиб қўйди. Аммо ўчакишгандай икки-уч кун ўтиб, яна ўсиб, бўй кўрсатиб қолди. Хуллас, Турсунбой уларни беркитиб чарчади, аммо кўкнорлар ўсишдан тўхтамади.

– Ходимларимиз навбатдаги тадбирни ўтказишаётганда, – дейди Боёвут тумани ИИБ терговчиси, капитан Нодир Умаров. – А. Турсунбойнинг томорқасида ёввойи ўтлар, тиканлар орасида кўкнор ўсиб ётганини аниқлашди. Тергов жараёнида у гўё кўкнор ўсганини пайқамаганман, билмаганман, дея баҳонани рўкач қилди. Аммо нима учун каттакон майдондан экиш учун фойдаландингиз, деган саволга арзирли жавоб беролмади. Далилий ашёлар олдида айбини тан олиб, бир қариндоши уруғ ташлаб кетганини айтиб берди.

Турсунбойнинг кўкнори хаёли амалга ошмади. Жиноят эканини била туриб, оғуни экиб парваришлагандан кўра, сабзавот етиштирганда А. Турсунбой панжара ортига эмас, ҳалол меҳнати эвазига етиштирган ҳосилни бозорга олиб борарди, албатта.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**
*Сирдарё вилояти.*

СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ ••• СПОРТ

3rd Asian Indoor Games
Hanoi, Vietnam
2009

*III Осиё ўйинлари*

# МЕДАЛЛАР ШОДАСИ ВАКИЛЛАРИМИЗДА

**Вьетнамнинг Ханой ва Хошимин шаҳарларида ўтказилаётган ёпиқ иншоотлардаги III Осиё ўйинларида қитъамизнинг қирқдан ортиқ мамлакатларидан 2600 нафардан зиёд спортчи йигирма олти турда беллашмоқда.**

Унда мамлакатимизнинг саксон тўрт нафар вакили футзал, кураш, муай-тай, сузиш, енгил атлетика, боулинг, пенчак-силат каби турларда ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда.



Мусобақа дастуридан жой олган енгил атлетиканинг баландликка сакраш баҳсларида юртдошимиз Надежда Дусанова 1,93 метр натижа қайд этиб, терма жамоамизга илк олтин медални тақдим этди. Леонид Андреев эса лангарчўпда сакраш баҳсида барча рақибларини доғда қолдириб, олтин медаль билан тақдирланди. Енгил атлетиканинг хотин-қизлар ўртасидаги 60 метр масофага югуриш беллашувида ҳамюртимиз Гўзал Хуббиева маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва навбатдаги медални қўлга киритди. Вакилимиз Осиё ўйинларининг кумуш медали совриндори бўлди. Узунликка сакраш баҳсларида муваффақиятли иштирок этган яна бир спортчимиз Юлия Тарасова кумуш медалини қўлга киритди. Шунингдек, вакилларимиз компьютер ўйинлари ва сузиш баҳсларида биттадан кумуш ва бронза медали соҳиби бўлишди. Пенчак-силатдан эса Фахриддин Шермуҳаммедов (70 кг.) бронза медали билан тақдирланди.

Ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинларида кумуш ва бронза медалга сазовор бўлган футзалчиларимиз бу галги беллашувларда ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда. Футзал бўйича эркаклар терма жамоамиз гуруҳ босқичини юз фоизлик натижа билан якунлаб, чорак финалга йўлланма олди. Улар кетма-кет йирик ҳисобда зафар қучишди. Қувайт, Жанубий Кореялик рақибларини мағлуб этишди. Вакилларимиз чорак финалда «В» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган Япония терма жамоасини мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўл олдилар. Улар ушбу босқичда Таиланд терма жамоасига қарши майдонга тушадилар.

Ўзбек миллий курашининг Осиё ўйинлари дастурига киритилиши унинг нуфузини янги босқичга кўтарди. Вьетнамдаги кураш беллашувларида гиламга чиққан ҳамюртларимиз Шароф Холмаматов (81кг.) ва Наргиза Ҳамдамова (63кг.) барча рақибларини енгиб, ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинлари ғолиби деган шарафга сазовор бўлишди. Уларнинг муваффақияти шарафига байроғимиз кўтарилиб, мадҳиямиз янгради. Шунингдек, Ўктам Бобоев (73 кг.) кумуш медали соҳиби бўлди. Яна бир полвонимиз Элбек Очилов (66 кг.) эса бронза медали билан тақдирланди.

III Осиё ўйинлари 10 ноябрь куни якунланади.

**Ф. АЗИЗОВ тайёрлади.**

*Дунё спорти янгиликлари*

## ШОҲСУПАДА ЧОПҚИРЛАР



Ҳиндистонда халқаро марафон мусобақаси ўтказилди. Эркаклар ўртасидаги баҳсда эфиопиялик Дериба Мерга ҳамюрти Вендимуни бир дақиқа ортда қолдириб, марра чизиғини биринчи бўлиб босиб ўтди. Аёллар беллашувида кениялик Харон Кейтанига тенг келадиган рақиб топилмади. Уни масофани бир соату олти дақиқа ва эллик тўрт сонияда босиб ўтиб, ғолиб бўлди.

## ЭНГ ЯХШИ ЎЙИНЧИЛАР



«Орландо» жамоаси марказий ўйинчиси Дуайт Ховард ва «Денвера» аъзоси Кармело Энтони Миллий баскетбол ассоциацияси (NBA)нинг ўтган ҳафталаги энг яхши ўйинчилари деб топилди. Ховард 21,7 очко жамғарган бўлса, Энтони ҳисобида 37,7 очко бор. «Орландо» ва «Денвера» жамоалари бир ҳафта давомида уч марта ғалаба қозонди ва ҳар бир учрашувни мағлубиятсиз ўз фойдасига ҳал қилди.

## ТОПАЛОВ РЕЙТИНГДА ПЕШҚАДАМ

Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) ноябрь ойидаги гроссмейстерларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Жадвални ҳамон болгариялик шахмат устаси Веселин Топалов бошқармоқда. Норвегиялик Магнус Карлсен ва Вишванатан Ананд (Ҳиндистон) кучли учликдан жой олишган. Левон Аронян (Арманистон) ва россиялик Владимир Крамник тўртинчи ва бешинчи поғонани банд этишди.

## Табриклаймиз!



Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби тиббиёт қисми шифокори вазифасида ишлаб нафақага чиққан азиз ҳамкасбимиз, истеъфодаги капитан **Хайрулла ХОЛИҚОВ**нинг қутлуғ 50 ёшга тўлиши муносабати билан қизғин ва самимий табриклаймиз. Унга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат саломатлик ва яна кўп йиллар фарзанду набира-чевaралар, шогирдлар бахту камолини кўриб юришни тилаймиз.

**Ҳурмат-эҳтиром ила бир гуруҳ ҳамкасб дўстлари.**

ОЛТИН МЕРОС

# ТИБ ҚОНУНЛАРИ

«Тиб қонунлари» (асл номи «Китоб ал-Қонун фи-т-тиб») — Абу Али ибн Сининг тиббиётга оид асари. «Тиб қонунлари» ўз давридаги табобатнинг муфассал энциклопедияси бўлиб, унда инсон соғлиги ва касалликларига оид бўлган барча масалалар мантиқий тартибда тўла баён этилган. Олдинлари табобат, асосан, ҳунар ҳисобланар ва у билан шуғулланувчилар назарий масалаларга унчалик аҳамият бермай уни амалда қўллаш билан чекланар эдилар. Ибн Сино эса табобатни илм даражасига кўтарди ва юнон, рим, ҳинд, Яқин ва Ўрта Шарқ табибларининг тажриба ва фикрларига таяниб «Тиб қонунлари»да унинг ҳам назарий, ҳам амалий масалаларини чуқур ишлаб чиқди.

Ибн Сино «Тиб қонунлари»нинг биринчи китобини Гўргонда, қолганларини эса Рай ва Ҳамалонда яшаган вақтида ёзган (1015–1024). Ибн Сино «Тиб қонунлари»ни ёзишда юнон табиблардан Гиппократ, Диоскорид, Гален, Орибазий, Павел, Ҳиндистон табибларидан Чарака асарларининг араб тилига таржимасидан; Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларидан етишиб чиққан Абу Журайж, Масиҳ ад-Димашқий, Ибн Мосаввайҳ, Собур ибн Саҳл, Саҳорбухт, Абу Бакр ар-Розий, Абу Саҳл ал-Масиҳий каби олимларнинг тиббий асарларидан манба сифатида фойдаланган. «Тиб қонунлари»нинг ҳар бир китоби, ўз навбатида, қисмларга (фан), бўлимларга (жумла), мақолаларга (мақола) ва параграфларга (фасл) бўлинган.

XI асрнинг бошларида ёзиб тугатилган «Тиб қонунлари»нинг кўп сонли қўлёзма нусхалари тарқалиб, тиб илми бўйича энг мукаммал асарга айланади. У Шарқда нақадар машҳур эканлигини жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланаётган қўлёзмаларнинг кўплигидан ҳам билса бўлади. Эрон олими Яҳё Маҳдавийнинг «Фиҳрист-и нусхаҳои мусаннафот-и Ибн Сино» номли китобининг ўзида «Тиб қонунлари»нинг 130 нусхаси келтирилган. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳам «Тиб қонунлари»нинг уч қўлёзмаси сақланади. Шулардан энг қадимийси 1308 йилда кўчирилган тўлиқ нусхадир.

Шарқда кўп олимлар, хусусан, Муҳаммад Илоқий Фахриддин Розий, Муҳаммад Нахчивоний, Ибн ан-Нафис, Қутбиддин Шерозий, Маҳмуд Чағминий, Абдуллоҳ Оқсароий, Салидиддин Козаруний, Абдураҳмон Мисрий, Ҳаким Али Жилоний, Исҳоқхон ибн Исмоилхон, Ҳаким Шифоийхон ва бошқалар. «Тиб қонунлари»га шарҳлар ёздилар, уни қисқартириб «Қонунча» номи билан кичик қўлланмалар туздилар.

XIX асрга келиб Европада «Тиб қонунлари»га бўлган қизиқиш орта бошлади ва унинг айрим қисмлари немис, француз, инглиз тилларига таржима қилинди. Асарни ҳозирги замон тилларига таржима қилишни Ўзбекистон шарқшунослари ўз зиммаларига олдилар, улар «Тиб қонунлари»нинг бешинчи китобини арабчадан ўзбек ва рус тилларига таржима қилиб, 1954–61 йиллари Тошкентда шифокорлар билан ҳамкорликда нашр этдилар.

1980 йилда Ибн Сино таваллудининг шамсий ҳисобда 1000 йиллиги муносабати билан «Тиб қонунлари»нинг қайта ишланган ўзбек ва рус тилларидаги У. Каримов томонидан тайёрланган тўлиқ нашри 1979—1983 йилларда чоп этилди. Шундан сўнг «Тиб қонунлари» ўзбек ва рус тилларида мухтасар шаклда (3 жилдли ва 1 жилдли) яна 4 марта, рус тилида тўлиқ стереотип шаклда яна 2 марта (10-жилдли) нашр бўлди.

Бу таржималар асосида замонавий тиббиёт ва доришуносликнинг турли соҳаларига оид илмий мақола ва китоблар нашр этиш ҳозир ҳам давом этмоқда.

«Тиб қонунлари» китоби кўп асрлар давомида тиббиётдан асосий дастур бўлиб келган, ҳозир ҳам бир қанча дорилфунунларда ўрганилади.

**(Ўзбекистон миллий энциклопедиясидан).**



НАЗМ

# МИНГ ТАСАННО, ШИФОКОРЛАР!

## ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА

*Отам бемор ётган чоғлар эсимда,*
*Оғриқдан сарғайган боғлар эсимда,*
*Шунда сиз мендан ҳам керак бўлдингиз,*
*Энг сўнгги ишончга тиргак бўлдингиз.*
*Отамга боладек бўлган шифокор,*
*Отамнинг дуосин олган шифокор,*
*Сизнинг-да отангиз омон бўлсинлар!*

*Хасталик йиқитди қай кун онамни,*
*Қора булут тутди ёруғ оламни,*
*Онам умид билан менга термулди,*
*Мен эса нажот деб, сизга термулдим.*
*Онамнинг дардини олган шифокор,*
*Онамнинг боласи бўлган шифокор,*
*Сизнинг-да онангиз омон бўлсинлар!*

*Болам бетоб бўлди, учиб келдингиз,*
*Боғлиқ тилсимларни ечиб келдингиз.*
*Қўлингиз теккандан гўдак тинчланди,*
*Япроқдек титраган юрак тинчланди.*
*Мурғак кўзидаги ўтинч — шифокор,*
*Бемор нигоҳида илинж — шифокор,*
*Сизнинг-да болангиз саломат бўлсин!*

*Тонглар кўнглингизга қараб отсинлар.*
*Ойлар кўнглингизга қараб ботсинлар,*
*Қувончлар, севинчлар ичида бўлинг.*
*Севгилар, соғинчлар ичида бўлинг.*
*Одамийлик ичра шон шифокорлар,*
*Жонларга малҳами жон шифокорлар,*
*Аввало ўзингиз саломат бўлинг!*

**Зулфия МЎМИНОВА.**

## ИБН СИНО АВЛОДЛАРИ

(Ғазал)

*Эл соғлигин посбонлари — шифоатли шифокорлар,*
*Умр боғин боғбонлари — саховатли шифокорлар.*
*Ибн Сино авлодлари, меҳригиёда ёдлари,*
*Омонликдур муродлари шижоатли шифокорлар.*
*Либослари тонгдек оппоқ, ниятлари кўнглидек оқ,*
*Дилга малҳам бўлур ҳар чоқ маҳоратли шифокорлар.*
*Жонбахшдир ширин сўзлари, меҳр-ла порлар кўзлари,*
*Дардларга дармон ўзлари матонатли шифокорлар.*
*Танга қувват, кўзларга нур игнасининг учидадур,*
*Шифоси-ла элда машҳур саодатли шифокорлар.*
*Зикрилло дер: қалби уммон, қуёшдай мунис, меҳрибон,*
*Эл бахтига бўлинг омон, садоқатли шифокорлар!*



— *Чуқурроқ нафас олинг-чи!..*
Абу КЕНЖАЕВ сурат-лавҳаси.

## СИЗГА ТАЪЗИМ

*Кўзингизда меҳр кўрдим,*
*Дарёмиди, чашмамиди?!*
*Тўймадим ҳеч боқиб. Кўнгил*
*Оҳ, шунчалар ташнамиди?!*
*Майса каби яйраб кетдим,*
*Юрагимда эриб қорлар.*
*Эй, бунчалар меҳри дарё,*
*Бағри кенгсиз, шифокорлар!*

*Бир ён ҳаёт, бир ён мамот,*
*Нажот эса сиздан фақат.*
*Ҳаёт-да бу, ночор қолса,*
*Ҳатто шер ҳам тилар шафқат.*
*Сиз дедингиз: «Биз бормиз-ку...»*
*Юракда бир умид порлар.*
*Омон бўлинг, ҳеч кимдан кам —*
*Бўлманг асло, шифокорлар!*

*Оғам десам бирингизни,*
*Иним десам арзимасми?!*
*Синглим десам, опам десам,*
*Ё бирингиз қизиммасми?!*
*Нима дейсиз, дил тубидан*
*Чиқса агар бу иқрорлар?!*
*Чинор каби мардона-ю,*
*Гулдай барно шифокорлар!*

*Энди сизга бор меҳримни*
*Қай сўз билан баён этай?!*
*Аммо айтар бир сўзимни*
*Сизга шундоқ аён этай:*
*Меҳр билан жавоб бергай*
*Бу дунёда меҳри борлар.*
*Сулаймондан сизга таъзим,*
*Минг тасанно, шифокорлар!*

**Сулаймон ШОДИЕВ.**

ИСТИҚЛОЛ ФИДОЙИЛАРИ

# УСМОН НОСИР



**Шоир Усмон Носир (тахаллуси; асл исм-шарифи Носиров Усмон) 1912 йил 13 ноябрда Наманганда таваллуд топган. Унинг «Ҳақиқат қалами» номли илк шеъри 1927 йилда «Янги йўл» газетасида, фуқаролар уруши мавзуига бағишланган «Норбўта» номли биринчи достони 1931 йилда «Янги Фарғона» газетасида, «Қуёш билан суҳбат» ва «Сафарбар сатрлар» деб номланган дастлабки шеърий тўпламлари эса 1932 йилда эълон қилинган. Шундан кейин Усмон Носирнинг «Нахшон» (1934 йил) достони, «Тракторобод» (1934 йил), «Юрак» (1935 йил) ва «Меҳрим» (1936 йил) шеърий китоблари нашр этилган.**

Усмон Носир 1930 йилларнинг бошларида ўзбек шеъриятига гўё чақмоқ сингари кириб келди. У ижодининг дастлабки кезлариданоқ ҳаётда рўй бераётган муҳим воқеа ва ҳодисаларни лирик қаҳрамоннинг ҳиссиёт ва кечинмалари орқали ифодалашга, янги тарихий давр қаҳрамонини топишга интилди. «Тожихон», «Исроил» каби шеърларида янги давр қаҳрамони образини маҳорат билан яратди. Усмон Носир қисқа муддат ичида шеърият санъатини мукаммал эгаллаб, гўзал лирик шеърлар ёза бошлади. Усмон Носирнинг «Монолог», «Юрак», «Яна шеъримга», «Нил ва Рим» сингари шеърлари нафақат унинг, балки шу давр ўзбек шеъриятининг энг юксак намуналаридан бўлди.

Усмон Носир қисқа ижодий умри давомида драматургия соҳасида ҳам қалам тебратиб, «Зафар» (1929 йил), «Назиржон Халилов» (1930 йил), «Душман» (1931 йил), «Сўнгги кун» (1932 йил) сингари саҳна асарларини ёзган ва бу асарлар Қўқон шаҳар театрида саҳналаштирилган. Шоирнинг «Атлас» (1935 йил) пьесаси ўз вақтида ҳаваскорлар театри саҳнасида қўйилган.

Усмон Носир ижодида таржима, айниқса, муҳим ўринни эгаллайди. Рус адиблари А. Пушкиннинг «Боқчасарой фонтани» ва М. Лермонтовнинг бир неча достонларини моҳирлик билан ўзбек тилига ўгирган. 1937 йил бошларида В. Киршоннинг «Улуғ йўл» драмаси Усмон Носир таржимасида Ҳамза театрида саҳнага қўйилган.

Усмон Носир 1937 йил 13 июлда «халқ душмани» сифатида ҳибсга олиниб, дастлаб Магадан, сўнгра Кемерово вилоятларидаги қамоқхоналарга юборилган ва 1944 йил 9 мартда ўша ерда вафот этган. Тошкент шаҳридаги Форобий қабристонида ва Кемерово вилояти Суслово қишлоғидаги қабристонда унинг хотирасига рамзий сағана барпо этилган.

Наманган, Қўқон ва Тошкентдаги бир неча кўча, мактаб, техникум ва жамоа хўжаликларига Усмон Носир номи берилган.

ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИ

## СИҲАТ ТИЛАСАНГ...

● ***Беш нарсани беш нарсадан аввал ғаниmat бил:***
1. Ўлимдан аввал ҳаётингни. 2. Касал бўлишингдан аввал соғлигингни. 3. Қўлинг банд бўлиб қолишидан аввал бўшлигини. 4. Кексалик етмасдан бурун ёшлигингни. 5. Камбағал бўлмасдан аввал бойлигингни.

**Ҳадиси шарифдан.**

● Сиҳат тиласанг кўп ема,
Иззат тиласанг кўп дема.

**Алишер Навоий.**

● Агар ҳавода чанг ва ғубор бўлмаса эди, киши минг йил яшаган бўларди.

● Соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири бадантарбия бўлиб, кейин овқат ва ундан сўнг уйқу тадбиридир.

● Жисмоний машқлар билан доимо мўътадил шуғулланиб борган киши ҳеч қандай давога муҳтож бўлмайди.

**Ибн Сино.**


ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ Хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида милиция батальонига 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, бўйи 175 см.дан кам бўлмаган, Қуролли Кучлар сафида хизмат ўтаб келган, камида ўрта маълумотга эга бўлган, соғлом, Тошкент шаҳри, Тошкент вилоятининг Зангиота, Янгийўл, Тошкент, Қибрай ва Ўртачирчиқ туманларида муқим яшаш жойига эга бўлган шахслар танлов асосида ишга қабул қилинади.

**Маълумот учун телефонлар:**
232-62-09, 231-48-07, 239-88-41.

**Манзил:** Чилонзор тумани, Олмазор мавзеси 17-уй.
**Мўлжал:** Бешёғоч майдони, Муқимий театри.



ISSN 2010-5355

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI**

MUASSIS: **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI**

Bosh muharrir **Zikrillo NE'MATOV**

Bosh muharrir o'rinbosari – **Qobiljon SHOKIROV**
Mas'ul kotib – **Rahmatilla BERDIYEV**
Navbatchi – **Azizjon FAYZIYEV**
Sahifalovchi – **Zokir BOLTAYEV**
Matn ko'chiruvchi – **Gulnora SODIQOVA**

**TELEFONLAR:** 231-30-40; 231-33-88; **Faks:** 232-05-51.
**E-mail:** urmvd@inbox.uz

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart.
Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik innovatsion tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi. INN 200637499.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2007 yil 11 yanvarda 0120 raqam bilan ro'yxatga olingan. Buyurtma №J-8377. Bosilish – ofset usulida. Hajmi – 4 bosma taboq. 57495 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda – 180. Tashkilotlar uchun – 366. Bosishga topshirish vaqti – 23.00. Bosishga topshirildi – 23.00.

**MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1.**